

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
«УСЛУБИЯТ, ТАҲРИР ВА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА»
КАФЕДРАСИ**

КАМОЛОВА ҲИЛОЛА ТОЙИРОВНА

**Худудий матбуот ва унинг вебсайти («Zarafshon» газетаси ва
www.zarnews.uz сайти мисолида)**

5320100 – журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ
ИШИ**

**Илмий раҳбар:
филология фанлари номзоди,
доцент Н. Ф. Муратова**

ТОШКЕНТ - 2014

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
журналистика факультети 4-босқич талабаси Камалова Хилоланинг
“Худудий матбуот ва унинг веб-сайти (“Зарафшон” газетаси ва
www.zarnews.uz сайти мисолида)” мавзусидаги малакавий битирув
иши бўйича**

ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистонда Интернет-журналистикаси тез ва шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бугун соҳада кўпгина ютуқларга эришилганини эътироф этиш мумкин. Бу борада ушбу йўналишнинг ривожига журналистика факультети битирувчилари, ёш тадқиқотчи ва олимларнинг қўшаётган хиссасини ўрни алоҳида назаримда. Сабаби, айнан шу каби ишларда Интернет муҳитида фаолият олиб бораётган ОАВ ўрганилмоқда, амалий таҳлил остига олинмоқда. Хусусан, битирувчи Камалова Х. томонидан танланган мавзу - “Худудий матбуот ва унинг веб-сайти (“Зарафшон” газетаси ва www.zarnews.uz сайти мисолида)” ҳам Ўзбекистон Интернет сегментида фаолият олиб бораётган ОАВ фаолияти нуқтаи назаридан, ҳамда мамлакат Интернет журналистикасини ўрганиш бўйича катта аҳамиятли иш ҳисобланади.

Веб-муҳитга вақтли матбуотнинг ўтиши ва янгиликларни тезкор ёритиши газеталарнинг телевидение ва радио билан рақобатлашувига олиб келмоқда. Худудий матбуотининг Интернетга чиқиши эса уларни Республика нашрлари ва глобал ахборот маконида рақобатбардош бўлишига ҳаракат сари ундайди. Айнан шу каби шароитда фаолият юритаётган Самарқанд вилоятининг “Зарафшон” газетасини ва веб-сайтини таҳлил этишни битирувчи олдида мақсад қилиб қўйган ва бунинг уддасидан чиққан.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, янгилиги келтирилган ва асослаб берилган.

Битирув малакавий ишида даставвал Интернетнинг ОАВ фаолиятига таъсири кўриб чиқилади, газеталарнинг Интернетда фаолият бошлашининг тарихий жараёнлари ўрганилади. Алоҳида параграф орқали Ўзбекистон матбуот нашрларининг Интернетда ўз ўрнини эгаллаши босқичларига қаратилган.

Иккинчи бобни муаллиф “Зарафшон” газетасининг тарихидан бошлаб, бу борада чоп этилган қатор адабиётларини ўрганиб чиқди, турли йилларда чоп этилган газета сонлари билан танишди, нашрнинг йилдан йилга ўзгаришларини таҳлил этди. Хусусан, алоҳида ва чуқур таҳлил газетанинг веб-сайти бўйича бўлиб, сайтнинг қатор хусусиятлари қиёсий, контент таҳлил, мониторинг, кузатув орқали амалга оширилди.

Ишнинг хулоса қисмида таҳлилнинг асосий натижалари келтирилган бўлиб, улар таклифлар билан бойтилган. Таклифлар ўринли бўлиб,

замонавий матбуот нашрининг веб-кўринишини ривожлантиришга хисса қўшади.

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида Х.Камолова ўзини интизомли тадқиқодчи ва таҳлилий кўникмалари кучли талаба сифатида намоён этди. Ишга жиддий ва маъсулиятли ёндашгани диплом ёзиш жараёнида вақтдан унумли фойдалангани ва хориж адабиётлари билан самарали ишлаганида кўриш мумкин.

Иш “Услубият, таҳрир ва Интернет журналистика” кафедрасида муҳокамадан ўтган. Муҳокама давомида бир қанча камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва уларни бартараф этишга эришилди. Ишни химояга тавсия этаман.

Битирув ишининг раҳбари:

**“Услубият, таҳрир ва Интернет-
журналистика” кафедраси ўқитув-
чиси ф.ф.н. Н.Ф.Муратова**

Мундарижа

Кириш	3
I. Интернет ОАВ сифатида	9
1.1 Интернетнинг босма ОАВга таъсири.....	9
1.2 Газеталарнинг интернетга чиқишининг тарихий жараёнлари..	16
1.3. Ўзбекистонда газеталарнинг интернетга чиқиши: Республика ва вилоят нашрлари.....	23
II. www.zarnews.uz ва “Zarafshon” газетаси фаолияти	29
2.1 “Zarafshon” газетаси электрон сайтининг умумий жиҳатлари: дизайни, архитектураси, рукнлари.....	29
2.2 www.zarnews.uz сайтида газета материалларининг акс этиши.....	42
2.3 www.zarnews.uz нинг бошқа вилоят газеталари веб-сайтлари билан қиёсий таҳлили.....	47
Хулоса	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
Иловалар	63

КИРИШ.

“Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг ишлар олиб борилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ ОАВнинг ўз веб сайтига ега экани, олий о`қув юртларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётганлиги шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётганини мисолида яққол кўришимиз мумкин”.¹

Дарҳақиқат, бугунги кунда интернет сайтлари, ундан фойдаланувчилар ҳамда шу соҳада фаолият юритувчи журналистлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда, бутун дунёда воқеа-ходисалар шиддат билан ўзгариб бормоқда. Албатта, бундай пайтда интернет ва ОАВдан юқори тезлик талаб этилади. Президентимиз И. А. Каримов ҳам “Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан, Интернетнинг бекиёс имкониятларидан фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳасида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият меъзониغا айланиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз”² – деб, таъкидлаб ўтганлар.

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига.//Халқ сўзи, 27.06.2009.

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият. 2008. 116-бет.

“Интернет биринчи навбатда оммавий ахборот коммуникацияси, матбуот, радио ва телевидение билан чамбарчас боғлиқ”³. Бугун интернет ўзида нафақат матбуот, балки, радио ва телевидение имкониятларини ҳам мужассам етмоқда. Интернет вақт, макон ва жўғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир. Бугунги кунда интернет кенгликлари бўйлаб нафақат компьютер, балки, уяли телефонлар ёрдамида ҳам ҳаракатланиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. Кундан кунга такомиллаштирилган восита ва кашфиётлар ҳам синовдан ўтказилмоқда. Бутунжаҳон тармоғи бугунги кунгача маълум бўлган барча ахборот манбаларидан (телевидение, радио, матбуот нашрлари) фарқли ўлароқ, ўз истеъмолчиларига ҳар қандай маълумотни истаган шаклда, фойдаланувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларига қараб, индивидуал равишда узатиш ва олиш учун қулай имконият яратиб беради. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, инновацион технологиялардан фойдаланиш интернет тармоғида юзага келувчи муаммоларни ҳал қилиш ва ахборотга нисбатан ортиб бораётган талабни қондиришга ёрдам беради. Шу ўринда ахборотнинг индивидуаллаштирилиши юқори поғонага кўтарилади. Буларнинг барчаси интернет вазифаларининг янада кенгайишига имконият яратади. Ваҳоланки, дастлаб унинг функцияси фақат маълумот юбориш ва қабул қилиш билан чекланган.

Маълумки, интернет даставвал коммуникация тармоғи сифатида ҳарбий мақсадларда АҚШда яратилган. Ўтган давр мобайнида интернет таҳсинга сазовор тарзда ривожланди. Бунга аввало ахборот коммуникацион технологияларининг жадал ривожига сабаб бўлди, десак янглишмаймиз. Бугунги кунда ИТ-технологиялар шарқ мамлакатларида ҳам тезкорлик билан ривожланиб, уларнинг дунё миқёсидаги салоҳиятининг ўсишига сабаб

³ Кудратхужаев Ш.Т. Интернет: Благо или зло? Предпосылки создания, история и тенденции развития, схожесть оценок, инструмент в чьих руках... –Т.: // ЎзМУ хабарлари, 2010. 3-5-бет

бўлмокда. Шулардан бири Ҳиндистон бўлиб, мамлакат иқтисодиётида ИТ-технологияларнинг ҳиссаси 5,5% ни, яъни 64 млрд. АҚШ долларини (2008-йил март) ташкил этади.⁴

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий интернет-сегментининг ривожини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002-йил 6-июндаги 200-сон Қарори билан тасдиқланган “2002-2010-йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш Дастури”⁵га мувофиқ олиб борилмокда. Кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони еса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва елатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмокда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмокда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормокда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди”⁶ - дея, Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида юртимиздаги ОАВнинг ривожланишига ўз эътиборларини қаратганлар. Ушбу концепцияда “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш”га алоҳида эътибор берилган. Маълумки, ОАВнинг эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар

⁴ Ш.Кудратходжаев. Индия – страна высоких технологий. «Новости Узбекистана». 23.01.2009, №3.

⁵ История организации и принципы функционирования глобальной компьютерной сети Интернет. Роль и значение современных информационных технологий в государственном управлении. UZINFOCOM. Т., 2008. С.14.

ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”⁷. Шундай имкониятлар яратиб берилаётган экан интернет ва анъанавий ОАВни янада тараққий эттириш ҳар бир журналистнинг вазифаси десак хато бўлмайди.

Интернетга биринчилардан бўлиб босма ОАВ интилади. Тармоқнинг имкониятлари йирик ахборот агентликлари ва хизматларининг назаридан четда қолмайди. Негаки интернетга чиқиш нафақат янги профессионал даражага кўтарилиш, балки дунёнинг турли бурчакларидаги ўқувчиларга етиб бориш имконияти демакдир. Интернет журналистиканинг биргина Ўзбекистон Республикаси миқёсида оладиган бўлсак, йилдан йилга кўпаяётган босма ОАВ нинг веб-саҳифаларида ҳам кўришимиз мумкин.⁸. Албатта, интернет тизимида ва у орқали ахборот тақдим этаётган ОАВ да мултимедиялик, интерактивлик ва тезкорлик биринчи даражага кўтарилади, шунингдек, мазкур веб-саҳифаларнинг ўзига хос дизайни босма матбуот камраб ололмаган янгиликларнинг берилиши ҳам ўқувчиларни уларга жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг долзарблилиги. Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар тобора ривожланиб бормоқда. Албатта, бу ривожланиш Интернет ва анъанавий ОАВга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. “Интернетнинг ривож, журналистикада ахборот-коммуникацион технологияларнинг кенг қўлланилиши натижасида рўй бераётган конвергенция жараёни замонавий ОАВ нинг ижодий фаолиятига сезиларли ўзгаришлар олиб келаётгани айтиш ҳақиқат. Шу боис йирик медиакомпаниялар Интернетда ўз сайтларини яратиш замонавий бозор стратегиясини зарурий элементи, деб ҳисоблайди. On-line Publisher Association маълумотларига кўра, Интернетдаги энг оммавийлашган сайтлар анъанавий ОАВ электрон сайтларидир. Масалан, Буюк Британиядаги бундай

⁶ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.// Халқ сўзи. 13.11.2010

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2010

сайтларга ББСнинг www.bbc.co.uk.com, “The Financial Times”нинг www.ft.com, “The Daily Telegraph” нинг www.telegraph.com каби электрон манзиллари киради. Худди шундай бозорни АҚШ медиа бозорида ҳам кузатиш мумкин. “The New York Times”, “«The Washington Post»”, “The Los Angeles Times”, “The Wall Street Journal” каби йирик нашрлар ахборот сайтларининг лидерлари ҳисобланади”⁹. Сўнгги тадқиқотлар Интернетда ўз саҳифасига эга бўлган газеталар ўқувчиларининг сони унинг қоғоз вариантыга қизиқиши янада ортганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, “The Media Audit” компаниясининг ўтказган тадқиқотларига қараганда, веб-муҳитда электрон нусхасига эга бўлган газета ва журналларнинг ўқувчилар сони тобора ошмоқда. Шу билан бирга вақтли матбуотнинг веб-муҳитга ўтиши ва Интернетда ахборотларини доимий янгилаб бориши газеталарга телевидение билан муваффақиятлироқ рақобатлашиш имкониятини яратмоқда. Шу боис ҳам ҳозирда босма нашрларнинг электрон вариантларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқот мақсади. Бугунги кунда вилоят газеталари ва веб-сайтларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. “Зарафшон” газетасининг бугунги кунда Интернет билан ҳамкорликда олиб бориш учун амалга оширилган ҳаракатларини ва қўллаган тажрибаларини, босма кўринишдаги ва электрон вариантнинг ўзаро мувофиқлигини ўрганиш.

Мазкур мақсад олдимизга қуйидаги **вазифалар**ни қўяди:

- Нашрнинг тарихи ва бугунги фаолиятини ўрганиш;
- Газетанинг босма нашрининг хусусиятларини аниқлаш;
- Газетанинг электрон нашрининг хусусиятларини аниқлаш;
- Босма нашр билан электрон нашрни қиёсий таҳлил қилиш;
- Веб-сайтни бошқа вилоят газеталари веб-сайтлари билан қиёслаш.

⁸ УЗИнфоком Маркази сайти. <http://infocom.uz>

⁹ Муратова Н. ОАВ ва Интернет. Конвергенция ва замонавий журналистиканинг янги кўринишлари. // Ўзбекистон матбуоти. 2005. №4. 41-бет

Мавзунинг методологик асослари. Ушбу тадқиқот иши Президент асарларига, услубий қўлланмаларга, соҳа бўйича мутахассисларнинг турли хил китобларига, интернетда эълон қилинган материалларига таяниб, қиёсий таҳлил, контент таҳлил ва мониторинг орқали ўрганилди.

Ушбу ишда **тадқиқот объекти** сифатида «Zapafshon» газетаси ва www.zapnews.uz сайти, ишнинг **предмети** сифатида газета ва сайтнинг дизайни, жанр хусусиятлари, таркиби, журналистик фаолият намуналари, Интернетдаги «Zapafshon»нинг тузилиши, интерактив хизматлари, реклама имкониятлари олинган.

Тадқиқотнинг ишининг **илмий янгилиги** шундан иборатки, «Zapafshon» газетаси бўйича илмий ишлар қилинган, лекин унинг сайти – www.zapnews.uz га то`хталиб о`тилмаган, алоҳида о`рганилмаган. Шахсий кизиқиш туфайли танланган мавзу юртимиздаги босма оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини, уларнинг ривожланишини ўрганишга имконият яратади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Олинган тажрибани маҳаллий ОАВда қўллаш мумкин. Бундан ташқари, олинган тажрибадан келиб чиққан хулоса бўйича талабаларга дарс ўтиш жараёнида маърузаларда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, олти бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ро`йхати ва иловалардан иборат. Биринчи боб интернетнинг ОАВга кириб келишига бағишланган. Унда интернетнинг босма ОАВга таъсири, босма ОАВнинг веб-сайтлари ташкил этилишининг тарихий жиҳатлари ва Ўзбекистонда Республика ва вилоят нашрларининг интернетга чиқиши тадқиқ қилинган. Иккинчи бобда еса «Zapafshon» газетаси ва унинг электрон нашрининг ўзига хос жиҳатлари, фарқли томонлари ўрганиб чиқилган. Хулоса қисмида тадқиқотдан чиқарилган хулоса, яъни ушбу ишдан маҳаллий ОАВ учун қандай тажриба олиш мумкинлиги ёзилган.

1-боб. Интернет ОАВ сифатида.

1.1 Интернетнинг босма ОАВга таъсири

Оммавий ахборот воситалари ахборот йиғиш ва уни қайта ишлаб тарқатишнинг асосий воситаси сифатида инсоният ҳаётида доимо муҳим о`рин тутиб келади. Шунинг учун ҳам у инсоният билан бирга ривожланиб, тараққий этиб боради. Бу еса оммавий ахборот воситаларининг янги кўринишлари вужудга келишига замин яратади.

Инсоният ақл-тафаккурининг янада ўсиши, фан ва техниканинг ривожланиши билан ХХI-асрга келиб оммавий ахборот воситалари таснифига яна бир тур, унинг яна бир кўриниши келиб қўшилди ва у интернет деб аталди. Бу – инсониятнинг яна бир мўжизавий кашфиёти электрон ёзув ва ҳисоблаш машиналари – компьютерларнинг халқаро тармоғидир. ХХ-асрнинг охирларига келиб электрон технологиялар асосида матн ёзиш ва ҳисоблаш учун ихтиро қилинган махсус қурилмалар кейинчалик алоқа воситаси сифатида ҳам ишлатила бошланди. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер дунёнинг исталган нуқтасидаги бошқа компьютерга боғланиши мумкин бўлди. Натижада халқаро интернет тармоқлари вужудга келди. Бу система дастлаб ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШда ҳарбий мақсадлар учун, яъни мамлакат Мудофаа вазирлигининг халқаро алоқа ва бошқарув таснифи сифатида ишга туширилди. Вақт ўтиши билан ундан бошқа илмий ташкилотлар ҳам кенг фойдалана бошладилар ва бу тармоқ илмий информация алмашиш функциясини ҳам бажара бошлади. Секин-аста бу тармоққа хусусий компьютер эгалари ҳам улана бошладилар, шу зайлда компьютерлаштирилган барча мамлакатлар ва ўз компютерига ега бўлган барча шахслар ўртасида ўзаро информация алмашинув мумкин бўлди. Бинобарин, компьютерлар ёрдамида бошқа информациялар қаторида ижтимоий информациялар тарқатиш имконияти туғилди ва бу еса Интернет тармоғини оммавий ахборот воситаларининг бир тури бўлишига олиб келди.¹⁰

¹⁰ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. 108-бет.

Интернет – бу оммавий ахборот воситаларининг янги о`зига хос туридир. Унда ахборотнинг барча турлари – сиёсий, иқтисодий, илмий маданий-маънавий, спорт ва бошқа турлари бир вақтнинг ўзида ўрин олиши ва ҳар бир фойдаланувчи ўзига керакли ахборотни излаб топиб, ундан баҳраманд бўлиши мумкин. Бу еса интернетнинг ахборот ҳажми ниҳоятда кенг, чексизлигини кўрсатади. Шу билан бирга интернетнинг тезкорлиги ҳам таҳсинга сазовор. Интернетнинг ахборотни электрон тармоқ орқали тезлик билан тарқата олиши тезкорлигини, ҳозиржавоблигини таъминлайди. Бу еса ҳар бир шахснинг бутун дунё билан боғланишига, истаган вақтида истаган маълумотини топа олишига имконият яратади.

“Интернетнинг пайдо бўлишида ҳам кишиларнинг информацияга, ўзаро мулоқотга бўлган доимий эҳтиёжи асос бўлиб хизмат қилади ва шу билан биргаликда унинг бевосита келиб чиқишига ижтимоий, иқтисодий ва маънавий сабаблар бевосита омил бўлган.”¹¹

Дунё компьютер тармоғи ўзида чексиз ахборот ва маълумотларни жамлайди. Уларни ўз фаолиятида қўллаётган интернет ахборотларидан фойдаланувчилар орасида жамоат ва тижорат тузилмалари сонининг ортиб бориши еса провайдерлар кўпайиши ҳамда Интернетнинг оммавий ахборот манбаи ва воситаси сифатида янада кенг оммалашувига олиб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида буларнинг барчаси, виртуал нашрлар ва on-line журналистлар, ахборот агентликлари, ишлаб чиқариш ҳамда савдо ташкилотлари ўртасида рақобатни шакллантириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда.¹²

Интернет ҳам бошқа оммавий ахборот воситалари сингари ижтимоий ҳаётни акс эттиради, уни билади, тадқиқ қилади ва унга қайтадан таъсир кўрсатади. Бинобарин, интернет ҳам матбуот функцияларини бажаради, яъни у аввало ҳаётни тасвирлайди, хабар беради, таҳлил қилади ва шу билан биргаликда унга қайтадан таъсир ко`рсатади. Интернет газета, журнал,

¹¹Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. 109-бет.


¹²Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т., 2007. 78-бет.

радио ва телевидениедан ҳаётни ёритишдаги кенгқўламлиги, серқамровлиги, тезкорлиги билан ажралиб туради.

“Бутунжаҳон тармоғи бугунги кунгача маълум бўлган барча ахборот манбаларидан (телевидение, радио, матбуот нашрлари) фарқли ўлароқ, ўз истеъмолчиларига ҳар қандай маълумотни исталган шаклда, фойдаланувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларига қараб, индивидуал равишда узатиш ва олиш учун қулай имконият яратиб беради. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, инновацион технологиялардан фойдаланиш Интернет тармоғида юзага келувчи муаммоларни ҳал қилиш ва ахборотга нисбатан ортиб бораётган талабни қондиришга ёрдам беради. Шу ўринда ахборотнинг индивидуаллаштирилиши юқори поғонага кўтарилади.”¹³

Статистик маълумотларга қараганда, 50 миллион аудиторияни жалб қилиш учун радиога 40 йил, телевидениега 14 йил, кабел телевидениега 10 йил кетган бўлса, интернет бу натижага атига 4 йилда эришди.¹⁴

1-диаграмма.



Ушбу диаграмма интернетнинг бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда қисқа вақт ичида катта аудиторияни жалб қилганлигини ко`рсатади.

¹³ Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. - Т., 2012. 5-бет.

¹⁴ Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари (Ўқув қўлланма). –Т.: Истиклол, 2013. 48-бет.

“Бугун Интернет ўзида нафақат матбуот, балки радио ва телевидение имкониятларини ҳам мужассам этмоқда. Интернет вақт, макон ва жўғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир.”¹⁵

Интернетнинг бу қадар оммалашуви оммавий ахборот воситаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Интернет – бу бутунжаҳон глобал тармоғи.¹⁶ “У катта ва кичик локал компютер тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал миқёсда ахборот алмашинувини амалга ошириш имконини беради. Ундаги протоколлар тизими орқали бошқариладиган барча тармоқлар бир-бири билан ўзаро алоқада ишлайди ва фойдаланувчилар учун маълумотни сақлаш, излаш, чоп этиш, кўчириш, жўнатиш ва қабул қилиш; матн, товуш, фото, графика, мусиқа ва бошқа шакллардаги маълумотлар билан интерфаол равишда алмашиш амалларини бажара олади. Интернет вақт, макон ва географик чегараларни билмайди, у тун-у кун, ҳар қандай об-ҳавода, ҳар қандай давлатда ишлайверади. Бунинг учун зарур техник таъминот бўлса бас.”¹⁷

Оммавий ахборот воситаларининг Интернет тармоғини эгаллашининг ҳам ўз тарихи бор. Интернетга биринчилардан бўлиб босма оммавий ахборот воситалари интилди. Тармоқнинг имкониятлари йирик ахборот агентликлари ва хизматларининг ҳам назаридан четда қолмайди. Негаки интернетга чиқиш нафақат янги профессионал даражага кўтарилиш, балки дунёнинг турли бурчакларида ўқувчиларга етиб бориш демакдир. Матбуотдан сўнг Интернетда фаол ишлаётган ахборот воситалари сафида

¹⁵ Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. - Т., 2012. 4-бет.

¹⁶ Ахборот-коммуникатсион технологиялари. Изоҳли луғат.- Т., 2010. 88-бет.

¹⁷ Қудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 52-бет.

агентликлар биринчи ўринга чиқиб олади. Вақт ўтгач унинг аҳамиятини кўрган радио ва телевидение ҳам тармоқда ўзи ҳақида маълум қилади. Интернетнинг ОАВ сифатидаги бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, булар:

- Тармоқнинг глобал миқёсга эга эканлиги;
- Маълумотлар узатишдаги тезкорлик;
- Иш жараёнининг марказлаштирилмаганлиги;
- Ҳамма учун очиклиги;
- Фойдаланувчи томонидан назорат қилиниши ва бошқалар.

Оммавий ахборот воситалари веб-муҳитда ўз саҳифасини очар экан, унга бир неча функцияни юклаши мумкин. Баъзи оммавий ахборот воситалари Интернетда анъанавий нашрининг елестрон вариантини жойлаштира (www.mohiyat.uz, hurriyat.uz, www.dp.uz, www.diyonat.uz), баъзилари ташкилот ҳақида маълумот берувчи корпоратив саҳифани очади (давлат органларининг веб-сайтлари, турли ташкилот ва муассасаларнинг веб-саҳифалари) ва о`зига яраша “visit card” вазифасини ўтайди. Лекин бугунги кунда алоҳида эътибор тўлиқ on-line режимда фаолият юритувчи елестрон ресерсларга (www.region.uz, www.uzreport.com, www.gorizont.uz, www.gzt.uz, www.security.uz) қаратилмоқда.

Интернетда мавжуд ОАВ ларни яна бир неча жиҳатга кўра тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, веб-манбаларнинг қамраб олаётган мавзу кўламига қараб интернетда таклиф этилган ОАВ:

- Монотематик – бир мавзу доирасида маълумотлар бериб борувчи ихтисослашган веб-сайтлар;
- Политематик – турли йўналишларни қамраб олувчи, давр талабига кўра мавзу кўламини кенгайтира оладиган веб-манбаларига бўлинади.

Иккинчидан, улар жанр хусусиятига кўра фарқланади. Интернет нашрининг мазмуни ва жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни:

1. янгиликлар манбаи;

2. таҳлилий ресурслар;
3. муаллифлик сайтлари;
4. кўнгилоҷар сайтлар;
5. таҳририят веб-саҳифаларига ажратиш мумкин.

Учинчидан, янги медиалар тегишлилик принципига асосан ҳам фарқланиши мумкин. Масалан, веб муҳитда ресурслар:

- давлатга тегишли манбалар;
- медиакомпанияларга тегишли веб-ресурслар;
- сиёсий кучлар томонидан ташкил этилган манбалар;
- бизнес ташкилотларига тааллуқли бўлган медиалар;
- мустақил веб-саҳифалар сифатида бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, улар техник жиҳатдан ташкил этилганлигига кўра фарқланади. Бунда веб-манбанинг нафақат техник, балки мазмун жиҳатдан қандай ташкил этилгани, мақсади ва вазифалари нимадан иборат экани инобатга олинади. Хусусан, бунга кўра улар:

- веб-сайт;
- веб-портал;
- янгиликлар узатиш гуруҳлари;
- маълумот юборош хизмати (служба рассылки) кабиларга ажратилади.

Веб-сайт (web-site) – инглиз тилидан тўғридан-тўғри маъноси “интернетдаги жой” маъносини англатади. Веб-саҳифалар жойлашган жой сайт деб аталади. Улар одатда, <http://> дан бошланадиган манзилга эга бўлади. ОАВ нинг сайтига газета ва журналларнинг ҳар бир сонини жойлаштириш, ўзи ҳақидаги маълумотларни бериш ҳамда таҳририят томонидан кундалик янгиликларни узатиш вазифалари юклатилади.

Веб-портал – сўзма-сўз таржимасига кўра “дарвоза” маъносини билдиради. Бошқа интернет саҳифалардан фарқли ўлароқ, веб-портал ўзида бир неча сайтларга тенг манбаларни бирлаштирувчи йирик ресурс ҳисобланади. Бундай информацион ресурсни ташкил этган муассислар

одатда унга бир неча вазифани юклайди. Хусусан, портал ўқувчини алоҳида мавзулар бўйича қўшимча маълумот олиш учун ўз ичига қамраб олинган таркибий манбаларига йўналтиради. Порталлар ҳеч қачон монотематик, яъни бир мавзу билан чекланган бўлмайди. У ҳар доим политематик ресурс сифатида фаолият юритади.

Демак, Интернет – инсониятнинг ахборот тарқатиш борасидаги буюк кашфиётларидан бири экан, у ҳам биринчи навбатда инсониятга хизмат қилиши, унинг ахборотга бўлган эҳтиёжини вақтида қондириши лозим. Шундагина у ҳақиқий маънода оммавий ахборот воситаси бўла олади.

1.2 Газеталарнинг интернетга чиқишининг тарихий жараёнлари

Интернет тармоғида конверсия жараёни, яъни телекоммуникация, телекўрсатувлар ва радиоёшиттириш каби анаънавий ахборот узатиш тизимларининг барча технологик имкониятлари уйғунлашгани туфайли тармоқ бугунги кунда бир вақтнинг ўзида бир неча сифатларда намоён бўлмоқда:

- Ахборот ва билим манбаи сифатида;
- Оммавий ахборотнинг интерфаол воситаси сифатида;
- Инсон фаолиятининг барча жаабҳалари – маърифий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, туристик ва бошқа кўпгина соҳаларига таъсир кўрсатувчи ахборот хизматлари тизими сифатида;
- Миллий компанияларнинг тежамкор ва тезкор усулда халқаро ахборот ҳудудига ҳамда жаҳон бозорига интеграциялашиши учун ноёб восита ҳамда улкан имкониятлар берувчи истиқболли бозори сифатида.

Оммавий ахборот воситалари орасида биринчилардан бўлиб газеталар ўз веб-саҳифаларини ярата бошлади ва катта тарихий жараённи босиб ўтди.


Газеталарнинг интернетга чиқишини 3 босқичга бўлиш мумкин:

1. 1994-1998-йиллар;
2. 1999-2004-йиллар;
3. 2005-2009-йиллар.¹⁸

Газеталарнинг интернетга чиқишининг биринчи босқичи турли тажрибалардан бошланди. Биринчилардан бўлиб Америка газеталари ўз веб-саҳифаларини яратишга киришди. 1994-йилнинг сўнгига келиб жами 10 та газета ўз веб-саҳифасига эга бўлди. Булар Raleigh News & Observer, San Francisco Examiner/Chronicle, Mercury News ва бошқалар. Бутунжаҳон газеталар ассоциацияси берган маълумотларга қараганда, 1996-йилга келиб

¹⁸ Интернет – СМИ. Теория и практика. Под редакцией М.М. Лукиной. – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС. 2010. Ст. 175.

Америка Қўшма Штатларида жами 175 та кундалик газета, шу жумладан “New York Times” газетаси ҳам ўз веб-сайтига эга бўлди.



1-расм. “New York Times” газетасининг сайти дунёдаги энг яхши ОАВ сайти ўнталигига киради.

Бу босқичда веб-саҳифалар фақатгина таҳририят ва у ерда ишлайдиган ходимлар ҳақида маълумот берувчи сайт сифатида фаолият юритган. Журналистик материаллар еса камдан-кам ҳолларда берилган. Берилганда ҳам фақатгина қисқартирилган шаклда, ҳаттоки анонс кўринишида жойлаштирилган.

Газеталарнинг интернетга мослашишида муҳим жараёнлардан бири – бу газеталарнинг бошқа оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда on-line хизматлар ташкил қилганлигидир. Америкалик тадқиқотчилар Election Line ахборот каналида 1996-йил АҚШ да уч йирик медиакомпаниялар – The Washington Post, Newsweek va ABC ўзаро

хамкорликда маълумотларни ёритиш интернет хизматини ташкил қилганини мисол қилиб келтиради.

Статистик маълумотларга қараганда, 1996-йилнинг ёзига келиб сайтлар Президент қарорларини тезлик билан ёрита бошлайди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Chicago Tribune ва America Online, The New York Times ва Netscape, The Wall Street Journal ва MSN лар ҳам ўзаро интернет ҳамкорликни йўлга қўйишади.¹⁹

Лекин бу босқичдаги асосий муаммо газета сайтлари даромад олмаганлигида – реклама берувчиларнинг Интернетга мурожаат қилмаганлигидадир. Бу еса on-line медиа лойиҳалар ривожланишини тўхтатиб қўйган.


Россия оммавий ахборот воситаларига веб-технологиялар Америкага қараганда кечроқ кириб келди. Евгений Горновнинг “Рус Интернети солномаси” китобида биринчи бўлиб “Учительская газета” ўз электрон вариантини яратганлиги таъкидлаб ўтилган. Унинг ҳозирги сайтида “Архив” бўлимида унинг илк кўринишини ҳам кўриш имконияти мавжуд. Газета веб-сайтнинг илк кўриниши дизайнсиз, суратларсиз, навигацияларсиз, қўшимча хизматларсиз, шунчаки фақат газетадан кўчириб олинган матндан иборат бўлган. Бу босқичда интернет сайтлар босма нашрлар учун visit-card вазифасини ўтаган. Бу босқичда Россия Интернетига яна хусусий лойиҳалар ҳам фаол ривожлана бошлади. “РОМАН”, “Журнальный зал”, “Тенег” каби журнал типигади нашрлар, “Русская литература” каби архив ва каталоглар, “Библиотека Мошкова” каби кутубхоналар, шунингдек, илк информацион каналлар (“Россия-онлайн”, “Национальная служба новостей”) ҳам ташкил этилди.

Босма оммавий ахборот воситаларининг Интернетга чиқишининг кейинги босқичи 1999-2004-йилларга тўғри келади. Мазкур босқичда Интернет информацион канал сифатида намоён бўлди ҳамда анъанавий

¹⁹ Фролова Т.И. Человек и его мир в информационной повестке дня. Гуманитарные технологии в журналистике-М.: 2009. Ст-210.

оммавий ахборот воситалари билан рақобатлаша бошлади. Аудитория унга тўлақонли мукаммал ахборий манба сифатида қарай бошлади ва унинг аудиторияси борган сари кўпайиб борди. Бу босқичнинг энг аҳамиятли жиҳати Интернетнинг анъанавий оммавий ахборот воситаларининг рақобатчисига айланаётганлиги эди.

Бу босқичда Интернет тўлиқ ахборий манба ва ахборот агентлиги кўринишига эга бўлди.



2-расм. Газета.ru – Рунет даги биринчи тўлақонли on-line оммавий ахборот воситаси.

Илк босқичда газеталарнинг интернет сайтлари visit-card вазифасини ўтаган бўлса, кейинги босқичда у босма нашрда чоп этилган барча материалларни бутун дунёга тарқата бошлади. Лекин бунда материаллар босма матбуотда чоп этилгандан кейингина электрон нашрда эълон қилинар эди.

Бу босқичда материалларга қўшимча тарзда суратлар ва графикалар ҳам берилди бошланди ва бу бора-бора мақола мазмунини етказиб берувчи

асосий шаклга айланиб борди. Шу билан бирга Интернетга янги интерактив хизматлар қўшила бошлади. Бунга мисол қилиб муҳокама имкониятини, овоз беришни, рейтингни, таҳририятга электрон хат юбориш имкониятларини келтириш мумкин. Бундай режимда ишлаш веб-сайтларнинг ҳам, газеталарнинг ҳам ривожланишига, аудиторияси кенгайишига ёрдам берди.

2005-йилга келиб газеталарнинг интернет-аудиторияси анчайин ўсганлигини кўришимиз мумкин. Айнан шу йилга келиб босма ОАВ сайтлари дастлабки таҳририят Интернет – бўлимларидан жиддий фарк қиладиган тўлақонли оммавий ахборот воситаси сифатида оммалаша бошлади. Ҳаттоки энг кичик газеталарнинг сайтлари ҳам қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезмай қўйди.

Бу даврга келиб медиа бирлашмалар газета саноатининг инкирозини ва газеталарнинг on-line версияси ўқувчиларининг ўсиш динамикасини босма нашр сотувининг ўсиши билан солиштириб бўлмас халқаро масштабда ўсганлигини очикча муҳокама қила бошлади. Халқаро газета ассоциацияси берган баҳога кўра, 1999-йилдан 2005-йилгача бўлган муддат ичида газеталарнинг Интернетдаги аудиторияси бутун дунё бўйича 350 % га, газеталарнинг сотилиши еса 4,75 % га ўсган.²⁰ Бу қиёсий маълумотлар ассоциациянинг 2005-йилдаги йиғилишида эълон қилинган.

Экспертлар тобора шаклланиб бораётган янги аудитория одатларининг кейинги жиҳатлари сифатида қуйидагиларни қайд этишмоқда:

- Биринчидан, ихчам ахборот ташувчи провайдерлардан фаол фойдаланиш: мобил телефонлар, коммуникаторлар, чўнтак компьютерлар ва бошқалар;
- Иккинчидан, ўзига хос оммавий алоқа воситаларини назарда тутувчи ва турли медиа платформаларни бажарувчи турли белгили вербал тизимлар, фото, аудио ва видео;

²⁰ Электрон манба. <http://www.un.org/ru/>.

- Учинчидан, босма нашрдан Интернетга реклама ва эълонларни ўтказиш.

Ўтган йиллар давомида тўпланган тажрибаларни бир жойга жамлаганда газета ходимларининг газета веб-сайтларини яратишда, моделлаштиришда иккита стратегияни кўришимиз мумкин.

1. Биринчи принцип ***prinm-first*** деб номланади. Бунда веб-сайтнинг аҳамияти газетадан кейинги иккинчи ўринга қўйилади ва унга босма нашрга қўшимча сифатида қаралади.
2. Иккинчи принцип эса ***web-first*** деб аталади. Бунда print-first га тескари равишта асосий эътибор газетага емас, балки веб-сайтга қаратилади. Газета эса иккинчи даражали ҳисобланади. Бугунги кунда хориждаги кўплаб кундалик газеталар бу моделдан фойдаланишмоқда. Унга кўра материаллар биринчи веб-сайтда эълон қилинади, on-line тарзда аудитория билан муҳокама қилинади ҳамда шу асосида материаллар тайёрланиб газетада чоп этилиб тарқатилади.²¹

Таҳририятдаги амалиёт аксарият ҳолларда бу икки принципни биргаликда олиб боради. Масалан, атига бир йил ичида интернет-ОАВ топ ўнталигига киритилган The New York Times босма нашридан ҳам кўра, интернет вариантыга кўпроқ эътибор қаратади. Веб-сайтга газетадагидан ҳам кўпроқ маълумот жойлаштирилади. Веб-сайтнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, веб-сайтда видео, аудио ва инфографик материаллар ҳам бериб борилади. Газета бош муҳаррири Артур Сулзбергер ўз таҳририяти ривожланишини шундай кўради:

“Биз янги асрда асосий воситалар – матн, Интернет ва видео билан қурулланган кенг алоқа каналига киришимиз керак. Айнан ана шулар медиакомпаниялар келажагини белгилаб беради.”²²

²¹ Интернет – СМИ. Теория и практика. Под редакцией М.М. Лукиной. – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС. 2010. Ст-184.

²² <http://www.spark.intepfax.pu/Fpont/About.aspz>.

Умуман олганда, веб-сайтлар бугунги ҳолатга келгунига қадар турли босқичларни – “висит кард” дан тўлақонли ОАВ гача бўлган даврни босиб ўтди. Бу борада қатор тажрибалар амалга оширилди. Дастлаб босма нашрга қўшимча равишта чиқа бошлаган веб-саҳифалар, орадан вақт ўтиб улар билан рақобатлаша бошлади.

1.3. Ўзбекистонда газеталарнинг интернетга чиқиши:

Республика ва вилоят нашрлари

Бугунги кунда Интернет ноанъанавий оммавий ахборот воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда. Шу билан биргаликда, оммавий ахборот воситаларининг веб-саҳифаларини яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

2007-йил январ ойида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”²³ Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири қабул қилинган, тармоқ ОАВлари ривожланишида янги босқич бошланди, дейиш мумкин. Ушбу қонунга биринчи марта газета, журнал, радио ва телевидение билан бир қаторда, умумий фойдаланишдаги коммуникация тармоқларидаги веб-сайтларга нисбатан ҳам ОАВ мақомини берувчи модда киритилди. Шунингдек, қонунда вақтли босма нашрнинг электрон нусхаси ҳақида ҳам сўз боради. Қонуннинг 27-моддасига кўра, босма нашрнинг электрон нусхани мустақил ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилиш шарт эмас, фақат бунинг учун босма ва электрон нашрлардаги материаллар бир хил бўлиши шарт. Электрон нусхада материалларнинг ҳажмини қисқартиришга, босма реклама хабарларини олиб ташлаш ёки алмаштиришга рухсат берилади.

2007-йилнинг апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ОАВни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда сайт шаклидаги электрон ОАВни давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим этилиши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати анча камайтирилган. Рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур:²⁴

- белгиланган шаклдаги ариза,

²³ Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни. Янги таҳрирда. 2007-йил.

- ном (домен) рўйхатга олингани ҳақида ҳужжат,
- тегишли йиғимлар тўлангани ҳақида квитанциялар, жумладан, рўйхатга олиш пайтида тўланадиган бир марталик тўлов миқдори ҳам.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиш пайтида тўланадиган бир марталик тўлов миқдори белгиланган енг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 1 бараваригача камайтирилди.


“Интернетдан жой олган медиа ресурсларни тавсифлаганда уларни бир-биридан фарқ қилувчи бир неча жиҳати мавжудлигини инобатга олмоқ керак. ОАВ веб муҳитда ўз саҳифасини очар экан, унга бир неча функцияни юклаш мумкин. Баъзи оммавий ахборот воситалари Интернетда анъанавий нашрининг электрон вариантини жойлаштиради, баъзилари таҳририят ҳақида маълумот берувчи корпоратив саҳифани очади ва у ўзига яраша visit card вазифасини ўтайди. Лекин айтиш керакки, алоҳида эътибор тўлиқ on-line режимда фаолият юритувчи электрон ресурсларга қаратилмоқда.”²⁵

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сўнги йиллар давомида Интернетда ўзбек тилидаги сайтларнинг сони анчайин ортди. Лекин шунга қарамай ҳамон рус тилидаги сайтлар сони кўпчиликни ташкил қилмоқда. Буни қуйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

2-диаграмма.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ОАВларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимсхалар киритиш тўғрисида”ги қарори. 2007.

²⁵ Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т., 2007, 108-бет.



Ушбу диаграмма www.uz сайтининг 2014-йил апрел ойи ҳолатига кўра жамлаган статистикаси бўйича тайёрланган.²⁶

Ш.Т.Кудратхоўжаевнинг “Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари” номли о`қув қўлланмасида миллий матбуотимизнинг Интернетда шаклланишининг рамзий хронологияси кўриб чиқилган ва уларнинг глобал тармоқни босқичма-босқич забт этганлиги қайд этилган. Дастлабки босқичда таҳририятлар томонидан Интернет анъанавий нашрни бойитиш мақсадида қўлланилган ва ундан олинган халқаро ҳаёт масалаларига оид маълумотлар газетанинг бош саҳифасида алоҳида рукн остида берилган. Миллий телевидение ва радиоканаллар учун еса, у халқаро шарҳловчилар ва хориждаги мухбирларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш воситаси ҳамда хорижда рўй берган воқеаларни тезкор ёритишга кўмаклашувчи манба бўлиб хизмат қилганлиги айтиб ўтилган.

“Интернетга эҳтиёжнинг бир қанча сабаблари бор еди. Биринчидан, Интернетнинг бу каби ахборотларни тақдим этишдаги тезкорлиги ва иқтисодий қулайлиги анъанавий нашрларимизнинг мавзу кўламини кенгайтиришга хизмат қилди. Иккинчидан, бизда Интернетга уланиш эндигина амалга оширилаётган бир пайтда, хорижий йирик ахборот агентликлари ва ОАВларининг веб-нусхалари сифатли ва тезкор фаолиятини

²⁶ <http://www.uz>.

йўлга қўйиб бўлганди. Демак, мамлакат ОАВ учун Интернет улкан ахборот манбаи бўлиб хизмат қилгани тарихда шу аснода муҳрланди.”²⁷

Юртимиздаги оммавий ахборот воситалари 2002-йилдан бошлаб Интернетда ўз веб-сайтларини ташкил қила бошлашди. Уларнинг аксарияти тахририят ҳақидаги маълумотларнигина тақдим этишга мўлжалланган веб-ваколатхона кўринишида яратилган бўлиб, натижада бизнинг ОАВмиз Интернетда ўзини таништира бошлади.

“Мазкур босқичда бир қанча камчиликлар ҳам кўзга ташланар еди. Хусусан, тезкорлик ва сифат борасида оқшашиқ; веб-саҳифалар Интернетнинг хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда, иш фаолияти анъанавий ОАВ сингари тузилишга эга бўлганлиги; Интернет ресурслари соҳасида назарий ва амалий билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги; веб-сайтга жойлаштирилган маълумотларнинг ўқиш учун мураккаб ва ноқулай тартибда жойлаштирилгани; журналистлар учун Интернетдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги ва шу сабабдан айрим тахририятларда ахборот вакууми сақланганини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур жиҳатларнинг баъзилари ҳозирда ҳам намоён бўлмоқда”.²⁸

Бугунги кунга келиб, тахририятлар ўз веб-сайтларини visit card кўринишидан ўзгартириб, анъанавий нашрни тўлдирувчи, босма нашр билан баробар янгиланувчи электрон восита сифатида қўллай бошлашди. Енди газета ва журналлар ўз электрон нусхасини биров ўзгача кўринишда Интернет саҳифаларига кирита бошлади. Бундай ишлаш асосларини ҳали барча оммавий ахборот воситалари тўлиқ қўллашга эришмаган бўлса ҳам тахририятлар орасида етакчилар ҳам йўқ эмас. Дунё бўйича Интернет ОАВ ривожланиш суръатларини кузатган ҳолда айтиш мумкинки, кейинги жараёнларда матбуот Интернетни ўзининг асосий нашри учун қўшимча

²⁷ Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари (Ўқув қўлланма). –Т.: Истиклол, 2013. 5-бет.

²⁸ Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари (Ўқув қўлланма). –Т.: Истиклол, 2013. 19-бет.

каналгина эмас, балки ОАВ мазмунини тўлиқ етказиб бера оладиган тўлақонли ахборот воситаси даражасига кўтарди.

Юртимизда Интернетни ва Интернет журналистикасини ривожлантириш давлат даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган вақт мобайнида тегишли қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йил матбуот ходимларига юборган табрикларида таъкидланганидек, “Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, Интернет-телевидение, Интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани, айниқса эътиборлидир. Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жихатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.”²⁹

Телерадиокомпанияларнинг веб-сайтларига нисбатан босма оммавий ахборот воситаларининг электрон намуналари анча муваффақият қозонди.


“Ўзбекистонда “Халқ сўзи” ва “Народное слово”, “Правда Востока”, “Зеркало XXI” газеталари биринчилардан бўлиб ўзларининг электрон нусхаларини яратишга киришдилар. Биргина 2011-йилга келиб республикада 1218 ОАВ рўйхатдан ўтган бўлиб, шулардан 150 таси веб-ресурслардир (www.uzap.gov.uz). Аммо барча босма нашрларда ҳам (хатто ўзининг веб-сайтига ега бўлганларида ҳам) Интернет нусха раҳбарият томонидан етакчи деб қаралмаслиги ҳолати кузатилади. Бу нарса газетанинг босма нусхасидаги барча материалларнинг ҳам веб-сайтга

²⁹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. 27.06.2010. – <http://www.ppess-sepvise.uz>

жойлаштирилмаслигида, веб-саҳифа мунтазам янгилаб борилмаслигида кўринади”.³⁰

2014-йил 1-январ ҳолатига кўра, республикамизда рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари сони 1372 тага етди.

“Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланиш бошланган дастлабки даврларда маълумот юбориш ва қабул қилиш тезлиги унчалик катта бўлмаган. Кейинчалик техник таъминот ва ускуналарнинг янгиланиши, бу соҳага эътиборнинг ортиши, мутахассисларнинг кўпайиб боргани сайин Интернетда ишлаш сифати ва каналларининг ўтказувчанлик қобилияти йилдан-йилга ортиб бормокда. Қуйидаги расмда ушбу кўрсаткичлар ривожланишда намоён этилган.



3-расм. Ўзбекистонда Интернет тармоғига уланишни таъминловчи халқаро каналлар ўтказувчанлик қобилиятининг ривожланиш босқичлари”.³¹

Бугунги кунда еса дақиқасига 10 Гигабитдан ошиқ маълумот олиш имконияти мавжуд.

““Ўзбектелеком” АК да мазкур ташқи интернет каналларига чиқиш тезлигини тўрт мартага ошириш бўйича техник имкониятлар бор. 2011-йил билан таққослаганда, интернет тармоғига уланишнинг техник имконияти 16 баробар, 2012-йилга нисбатан 2,12 мартага ошган”.³²

³⁰ Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. - Т., 2012. 24-бет.

³¹ Қудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 16-бет.

³² <https://www.uzfiles.uz>. O'zbekistonda internet narxlari 15-80 foizga apzonlashdi.

2-боб. www.zarnews.uz ва “Zarafshon” газетаси фаолияти.

**2.1. “Zarafshon” газетаси электрон сайтининг умумий жиҳатлари:
дизайни, архитектураси, рукнлари.**

“Zarafshon” газетаси бугунги кунда нафақат вилоят газеталари, балки республикамиздаги барча газеталар орасида ҳам ўз ўрни ва нуфузига эга. У ҳафтада уч маротаба: сешанба, чоршанба, шанба кунлари халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги муассислигида чоп этилади. Бош муҳаррир: Фармон Тошев.

“Zarafshon” газетасининг чиқа бошлаган вақти илгари 1917-йил, яъни “Хуррият” газетаси чиқа бошлаган вақтга тенглаштирилар эди. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг 2008-йил 17-майдаги қарорига биноан “Самарқанд” газетасининг биринчи сони чиқа бошлаган кунга яъни 1913-йил апрелга тенглаштирилди.

Бехбудий “Самарқанд” газетасини ташкил қилиш учун беш йил мустамлакачилар идоралари оstonасида саргардон бўлган: “1908нчи йилдан ўз идорасида бирон газета чиқармоқ фикрига тушуб, 1913 йил апрел ойинда бу мақсадига етишуб, “Самарқанд” газетасининг бир неча рақамини чиқаришга муваффақ бўлгон.”³³

1913-йилнинг 10-апрелидан босилишига рухсат теккан бу газетанинг 26-27-сонлари “Янги Самарқанд” номи билан чоп этилган. 28-сондан еса яна ўз номи билан чоп этила бошланган. Бу ҳақида “Русская периодическая печать в Туркестане” китобида айтиб ўтилган.

“Zarafshon” газетасининг “Самарқанд” газетасига қай даражада меросхўр бўла олиши ҳақида филология фанлари номзоди Ҳалим Саидов шундай дейди: “”Зарафшон” газетасининг бугунги мақсадидан келиб чиқадиган бўлсак, у миллий ғоямизга, жумладан, миллий истиқлол ғоясининг тарихий кўриниши – жадидлар ғоясига, орзусига ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз. Бу ҳуқуқий асос эмасдир, лекин мантиқий асос

³³ Sadpiddin Ayniy. Mufti Mahmudxo`ja Behbudiy hazratlari kim edi? “Mehnatkashlap tovushi” gazetasi, 1920-yil, 8-aprel.

хисобланади. Қолаверса, “Самарқанд” – “Хуррият” – “Меҳнаткашлар о`қи” – “Меҳнаткашлар товуши” – “Zarafshon” газеталарининг бир-бири билан боғлаб турган робита бор. Бу ҳам бўлса халққа маърифат тарқатиб, миллий озодликка эришиш ғоясидир. Бундан ташқари, уларни боғлаб турган шахс (Бехбудий) ва шахслар гуруҳи (Фитрат, Ҳожи Муин, Саидризо Ализода ва бошқалар) мавжуд. Улар мустамлака байроғининг ўзгариши, унинг натижасида эса газетанинг турли номларда аталишидан катъи назар, тахририятда қолиб, ўзларининг муқаддас маслаклари – юрт озодлиги учун имконлари доирасида ҳаракат қилиб, шу йўлда жонларини тикиб, қурбон бўлдилар. Бироқ истиқлолга эришгачгина уларнинг юрт олдидаги хизматлари эътироф этила бошланди. “Zarafshon”даги янгилик ҳам ана шу эътирофларнинг биридир.”³⁴

“Zarafshon” газетаси турли паст-баланд йўлларни босиб ўтди. Бу борада устозимиз ЎзМУ доценти Аҳмаджон Мелибоев газетанинг 100 йиллигига бағишланган “Биз “Зарафшон”данмиз” китобидан ўрин олган ““Zarafshon” сабоқлари” номли мақоласида шундай дейдилар: “Бу газетанинг тарихи замоннинг не-не сир-синоатлари-ю воқеа-ҳодисотларига гувоҳ Зарафшон дарёси тарихига жуда-жуда ўхшаб кетади. Дарёнинг тўлиб-тошиб оққан, қирғоқларига сиғмаган (бу ҳақда машҳур адиб Чингиз Айтматов хўб ўхшатиб ёзган), ўзанлари қуриб, суви лойқаланган, чанқок далаларга, боғ-роғларга етиб бора олмаган пайтлари ҳам бўлган. Газета ҳам худди шундай мураккаб, гоҳ қувончли, гоҳ маҳзун йўлни босиб ўтди.”³⁵

Йиллар синовидида тобланган бу газета мустақиллик йилларига келиб ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиди. Адади ошиб, А-2 форматда рангли чиқа бошлади. “Zarafshon”нинг “Тадбиркор”, “Имконият”, “Ёғду”, “Бугунги қишлоқ” иловалари чиқди. “XXI аср” деб номланган тижорий-бадий илованинг нишона сони еса 3000 нусхада чоп этилди. 2006-йилда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот

³⁴ “Zarafshon” 100.(Zarpvapaq). –Т.: Tafakkup bo`stoni.2013. B-5.

³⁵ Biz “Zarafshon”danmiz. Publittistika.-Т.: Tafakkup, 2013. B-242.

агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Zarafshon” газетаси таҳририяти қошида “Журналистлар маҳоратини ошириш маркази” очилганлиги тўғрисида сертификат берилди ва “Маҳорат мактаби” ўз фаолиятини бошлади.

Истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, медиа тизимини жадал раванқ топтириш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга мувофиқ 2007-йилда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ёрдами билан “Zarafshon” газетасининг интернетдаги манзили www.zarnews.uz ишга тушди. 2012-йил 30-декабрда “Zarafshon” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида таҳририят ютуқларни қўлга киритди: “Наврўз – боқий байрам” республика танловида 2001-йил “Энг яхши таҳририят” номинацияси бўйича рағбатлантирувчи совринга муносиб топилган бўлса, 2003-йилда мутлақ ғолибликни қўлга киритди. 2005-йилда “Энг улуғ, Энг азиз” республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди. “Эътироф - 2009” ижодий танловида газетанинг веб сайти – www.zarnews.uz “Босма нашрнинг энг яхши веб сайти” номинацияси ғолиби бўлди. 2013-йил “Zarafshon” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти “Олтин қалам” VIII Миллий мукофотининг босма оммавий ахборот воситалари ўртасидаги “Энг яхши журналистик материал учун” номинациясида иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Таҳририят ходимларидан Махбуба Шаропова “Шуҳрат” медали билан, Сулаймон Хусаинов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист фахрий унвони билан, газета бош муҳаррири Фармон Тошев “Меҳнат шуҳрати” ордени билан, газета масъул котиби Адҳам Ҳайитов “Шуҳрат” медали билан

тақдирланди. 2009-йилда таҳририят махсус мухбири Гулрух Мўминова “Олтин қалам” IV миллий мукофотининг рағбатлантирувчи мукофотини қўлга киритди. “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танловида 2009-йил Акрам Ҳайдаров, 2010-йил Ғолиб Ҳасанов ғолиб бўлди.

2013-йилда таҳририятнинг 100 йиллиги кенг кўламда нишонланди. Унинг доирасида “Биз “Зарафшон”данмиз”, “”Зарафшон” 100” рисоалари чоп етилди.

www.zarnews.uz сайти газета каби ҳафтасига 3 маротаба янгиланади. Унда газетада чоп етилган баъзи материаллар тегишли сураатлари билан акс этади. “Самаркандский вестник” газетаси “Zarafshon” газетаси таркибига кирганлиги учун унинг веб-сайти ҳам www.zarnews.uz таркибига рус тилидаги кўриниш сифатида киритилган (3-иловага қаранг).



4-расм. www.zarnews.uz сайтининг рус тилидаги кўриниши.

2007-йилда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувваталш ва ривожлантириш жамоат фондининг ёрдами билан “Zarafshon” газетасининг интернетдаги манзили www.zarnews.uz ишга тушди. 2012-йил 30-декабрда “Zarafshon” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган тахририяти ташкил етилди ва “Самаркандский вестник” газетасининг сайти ҳам www.zarnews.uz таркибига киритилди. Веб-сайтга асосан хабар мазмунидаги материаллар, мулоҳазали ва ижтимоий-иқтисодий мавзулардаги мақолалар жойлаштирилмоқда.

Кўп ҳолларда веб-саҳифа эгалари сайт дизайнига катта эътибор қаратиб сайтнинг интернетдаги манзилини белгилашни охирги ўринга қўяди. Бу хато кейинчалик ўз ифодасини кўрсатади ва шошилишда белгиланган, жуда узун ва ноаниқ манзиллар (www.fermervatomoprkachi.uz, www.buhorookshomi.uz, www.vobkenthayoti.uz.) сайтни оммалаштириш ва уни эслаб қолишда панд беради. Сайтнинг домен номи эслаб қолиш учун қулай, тахририят номига мос, аниқ ва имкон қадар қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир. www.zarnews.uz бу талабларга жавоб беради. Унинг ўзига хослиги шундаки, унга домен номи танлашда газета номини айнан келтириш, яъни одатий усулдан қочилган ва шунга қарамай унинг қайси газетага тегишлилигини англаб олиш ҳам мушкул емас. Бунда ҳам замонавийликни, ҳам ноодатийликни кўришимиз мумкин.

www.zarnews.uz сайти мавзу кўламига кўра полетематик, яъни мавзу кўлами кенг, турли йўналишларни қамраб олади. Жанр хусусиятига кўра тахририят ҳақида маълумот берувчи, ундаги материалларни ўзида акс эттирувчи веб-сайт. Тегишлилик тамойилига асосан давлатга тегишли. Техник жиҳатдан ташкил этилишига кўра веб-сайтдир (2-иловага қаранг).

Сайт дизайни. Сайт информацион дизайн услубида яратилган. Сайтдаги ранглар асосан кўк, оқ ва қора рангларининг градиентлари бўйича танланган. Шрифтлар ҳам мутаносиб танланган. Агар ҳар хил шрифтлардан

фойдаланилганда унинг яхлитлигини бузиши мумкин еди. Сураатлардан унумли фойдаланилган. Сайт дизайни фойдаланувчини толиқтирмайди.


Кейинги ўринда сайтнинг информацион архитектурасини кўриб чиқамиз.

Информацион архитектура бу – сайтнинг тузилиши жихатдан мазмуни, ташқи кўриниши ва жойлашиши. У қуйидагилардан иборат бўлади:

- сарлавҳа – нашр номи;
- менюлар;
- реклама блоклари;
- веб-сайт контенти ифодаланган алоҳида жой.

www.zarnews.uz нинг информацион архитектураси:

- ▶ Нашр номи юқорида берилган;
- ▶ Шапканинг юқори қисмида қидирув учун ҳам жой ажратилган;
- ▶ Сайтнинг рус тилидаги варианты – Самаркандский вестник сайтига гиперўлланма ҳам шапкада жойлашган;
- ▶ Асосий меню юқорида жойлашган;
- ▶ Корпоратив меню еса саҳифанинг пастки қисмида жойлашган.



5-расм. www.zarnews.uz сайтининг умумий кўриниши.

Газетага мувофиқ равишда сайт дизайнида ҳам аҳамиятга молик жиҳатлар мавжуд. Газетанинг ҳам, сайтнинг ҳам дизайнига байрам сонларида ўзгартиришлар киритилади. Масалан, сайтнинг мустақилликка бағишланган сонларида Республикамиз байроқ ва гербининг суратлари, 22 ёзуви келтирилган (5-расм).

2014-йилдан сайт шапкасига ҳам ўзгартириш киритилди. Унда таҳририят жойлашган матбуот уйининг сурати ҳам ўрин олган.

Сайт дизайнидаги ўзига хос жиҳатлардан яна бири шундаки, унда ҳар бир мавсумда ўзига хос деталлардан фойдаланилади.



6-расм. Сайтнинг баҳор мавсумидаги кўриниши.

Сайтнинг ўнг томони навигацион элементларга ажратилган. Унда валюта курси, долзарб материаллар ва сўровнома жойлаштирилган. Сайтнинг энг пастки қисмидан эса фойдали сайтлар рўйхати (гиперўлланмаси билан), эълонлар учун жой, таҳририят фаолиятига доир фотосуратлар ҳамда сайт архиви ўрин олган.

Сайт куйидаги рукнлардан иборат:

- Сиёсат;
- Иқтисодиёт;
- Жамият;
- Маданият;
- Таълим;
- Истеъмолчи;
- Тарих;
- Спорт;

- Танловлар.

2014-йилдан бошлаб сайтга янги адабиёт рукни ҳам қошилди. Бу рукн ҳам ички бўлимларга бўлиниб, уларга китоблар жойлаштирилган (5-6-иловаларга қаранг). Сайтга жойлаштирилган китобларни юклаб олиш имконияти ҳам мавжуд.



7-расм. Сайтнинг янги адабиёт рукнидаги китобларни юклаб олиш учун ажратилган саҳифа.

“Веб-саҳифалар дизайнида ёрдамчи тугмачаларнинг ҳам аҳамияти катта. Анъававий ОАВ (матбуот, ТВ ва радио) дан фарқли равишда Интернет журналистидан буларнинг барчаси учун хос бўлган ижодий маҳоратни талаб этади. Негаки on-line mass-media учун материал тайёрлаётган журналист унинг матнини яратиш билан чекланмай, ўз мақоласини фотосуратлар, видеолархалар, жонли интервью, график кўринишдаги маълумотлар ва ҳоказолар билан бойитиши мумкин. Бунда у мултимедиа воситаларини қўллагани боис яратган мақоласи одатий мақола бўлиб эмас, кўп қиррали ижод маҳсули сифатида намоён бўлади. Яъни

интерактив воситалар – бу, тўлиқ ахборот алмашиш, яъни коммуникатив жараённинг барча иштирокчилари билан алоқа боғлашга шароит яратувчи технологиялардир”.³⁶

Сайтнинг интерактив имкониятларини алоҳида ўргандик.

Интерактив имкониятлар бу – таҳририятнинг аудитория билан алоқа боғлаши ёки мулоқот ўрнатишига ёрдам берувчи воситалар.

- **Қайта алоқа.** У сайтга автоматик равишта киритилган бўлиб, мурожаат таҳририят e-mailга тўғридан-тўғри жўнатилади. Бунда мурожаат қилувчининг исм-шарифи, электрон почтаси, мурожаат матни ва махфий код киритилиб юборилади (8-расм).

The screenshot shows the 'Zarafshon' website interface. At the top, there's a header with the site name 'Zarafshon' and 'Самаркандский Вестник'. Below the header, there's a navigation bar with links like 'Сиясат', 'Иқтисодиёт', 'Жамият', etc. The main content area features a contact form on the left with fields for 'Алоқа учун' (Name), 'Ф.И.Ш.' (Surname, Initials, Patronymic), 'Электрон почтанингиз:' (Your email), 'Мурожаат матни:' (Message text), and 'Мурожаат хати:' (Message subject). Below these fields is a large text area for the message body. To the right of the form, there's a section titled 'Валюта курси' (Exchange rates) showing rates for RUB, EUR, and USD. Below that is a section titled 'Долзарб' (Current) with two news items: 'Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида' (Regarding the observance of Kurbon Hayit) and 'Парижда юртимиз туристик салоҳияти намойиши' (Demonstration of our country's tourism potential in Paris). At the bottom of the form, there's a 'Махфий кодлар:' (Captcha) section with a distorted image of the word 'ahives' and a link to 'обновить, если не виден код' (refresh if code is not visible).

8-расм. Сайтда электрон почтага хат юбориш имконияти ҳам мавжуд.

³⁶ Рашидова Д.Р. Интернет как источник журналистской информации.-ТашГУ, 1999.



9-расм. Сайтнинг рус тилидаги вариантида “меҳмонлар китоби” хизмати мавжуд.

- **Изоҳлар қолдириш.** Баъзи сайтларда изоҳ қолдириш имконияти бўлмайди ёки бўлганда ҳам рўйхатдан ўтиш талаб қилинади. www.zarnews.uz да еса изоҳ қолдириш учун рўйхатдан ўтиш шарт эмас. Фақат электрон почта бўлса етарли.
- **Меҳмонлар китоби.** Бу восита бугунги кунда кам қўлланилади. У www.zarnews.uz да бўлмаса ҳам сайтнинг рус тилидаги варианти – Самаркандский вестникда мавжуд (9-расм).
- **Сўровнома имконияти.** Бу имконият орқали фаол аудиторияни осонгина аниқлаш мумкин. www.zarnews.uz даги сўровномадан намуна:

Сўровнома

Фарзандингиз китоб ўқимаяпти. Бунинг нимада, деб ўйлайсиз?

- Мактаб ёки боғчада устоз-мураббийлар мутолаага қизиқтира олишмаган.
- Фарзандимнинг китоб ўқишга вақти йўқ. У бирор касб ёки ҳунар ўргангани маъқул.
- Китобнинг кадр-қиммати аҳамияти ҳақида унга ҳеч ким тушунча бермаган.
- Вақтида фарзандимнинг китобга меҳрини ўзим уйғота олмаганман. Китобни суймаслигига мен сабабчиман.
- Билмадим. Бу аҳамиятсиз.

Сайтга ҳеч қайси сўровнома шунчаки жойлаштирилмайди. Балки улардан газета материалларида, таҳлилларда фойдаланилади.

Интерактив имкониятларнинг барчасидан Интернет нашр таҳририятининг аудитория билан алоқа ўрнатишида, уларни ўрганишида фойдаланилади.


“Интернет тармоғига хос бўлган жиҳатлардан архив, фотогалерея, ташқи манбаларга чиқиш имкониятлари ва кўпгина бошқа имкониятларни келтириб ўтиш мумкин. Архивлар айнан ОАВ учун катта аҳамият касб этади. Улар орқали ўқувчилар Интернет саҳифасида (1 ой, 1 йил олдин) чоп этилган маълумотга мурожаат этиши, уни мавзуси, санаси ва рукнига қараб излаши мумкин”.³⁷

www.zarnews.uz да ҳам архив, фотогалерея ҳамда ташқи манбаларга чиқиш имкониятлари яхши йўлга қўйилган.

³⁷ Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. - Т., 2012. 27-бет.

Сайтнинг асосий саҳифаси билан мақола учун ажратилган саҳифани солиштирадиган бўлсак, улар деярли фарқ қилмайди. Фақатгина асосий контентгина ўзгарган холос. Сайт шапкасида ҳам, ўнг томондаги устунда ҳам ўзгариш йўқ.

Мақоланинг юқори қисмида сана ва газетанинг қайси сонида чоп этилгани ёзилган бўлса, пастки қисмида эса қайси бўлимга тегишли эканлиги, қолдирилган изоҳлар сони ҳамда мақоланинг неча маротаба ўқилганлиги кўрсатилган (10-рasm).



10-рasm. Сайтнинг мақола учун ажратилган саҳифаси.

Лекин юқоридаги суратда мақола ҳамда сурат ҳажми ўзаро номутаносиб жойлаштирилган. Яъни кичик матн ва катта сурат. Балки бу газетада ўзини оқлар, лекин интернет сайтга тўғри келмайди. Бунинг натижасида экранда бўш жой қолиб кетган.

2.2. www.zarnews.uz сайтида газета материалларининг акс этиши.

Даврий босма нашрдаги материалларнинг веб-сайтда ёритилиши Ўзбекистон Республикасининг “ОАВ тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйилган:

“Даврий босма нашрнинг электрон шакли даврий босма нашрни тарқатиш усулларида биридир. Тегишли даврий босма нашрнинг босма ва электрон шаклларидаги мазмуни айнан бир хил бўлган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда, даврий босма нашр тахририяти даврий босма нашрнинг электрон шаклини мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказмасдан тарқатишга ҳақлидир.

Даврий босма нашрнинг босма шаклида мавжуд бўлган реклама хабарларининг электрон шаклдан олиб ташланиши ва (ёки) бутунлай ёки қисман алмаштирилиши, шунингдек электрон шаклда ифодаланган материаллар ҳажмининг босма шаклидагига нисбатан қисқартирилиши мазмуннинг айнан бир хиллиги бузилиши деб қаралмайди.

Даврий босма нашр тахририяти даврий босма нашрнинг электрон шакли тарқатилиши тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.”³⁸

“Zarafshon” газетасининг ҳар бир сонидagi материалларнинг о`ртача 8-10 таси сайтда ўз аксини топмоқда. Буни газетанинг 2013-йил 76-сони мисолида кўрадиган бўлсак, сайтга газетадаги 22 материалдан олтитаси (“Ёш олимларга имкониятлар”, “Ёш тадқиқотчилар анжумани”, “Меҳнаткашлар манфаати доим ҳимояда”, “”Яшил тўлқин” ўргатади”, “Оқ йўл, лейтенантлар”, “Теннис”) жойлаштирилган. Улар сайтга ҳеч қандай ўзгаришсиз ўз ҳолича киритилган ва уларга тегишли суратлар ҳам электрон саҳифадан ўрин олган. Реклама ва эълонлар еса умуман берилмаган. Сайтнинг ютуқли жиҳатларидан бири бу газета нашрдан чиққан куниёқ сайт ҳам янгиланишидир.

³⁸ O`zbekiston Respublikasi “OAV to`g`risida”gi Qonuni. 2007. 27-modda.

Газета ва сайтни қиёсий таҳлилини амалга оширишда маълум бўлдики, газета ва сайт бир-бирини тўлдириб боради.

1-жадвал.

Газета ва веб-сайтнинг қиёсий таҳлили

	“Zarafshon” газетаси	www.zarnews.uz сайти
Фото хусусияти	Мавжуд	Мавжуд
Фотонинг умумий сони	17 та (№76)	5 та (№76)
Интерактив имкониятлари	• Хат • Телефон	• Изоҳ қолдириш • Сўровнома • Қайта алоқа • Почтага хат жўнатиш
Сарлавҳа	Бир хил	Газетадаги билан бир хил
Материалларнинг умумий сони	30 дан ортиқ	8-10 та атрофида
Янгиланиш тезлиги	Ҳафтасига 3 марта	Ҳафтасига 3 марта

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, газетага қараганда, албатта, сайтда интерактив имкониятлар кўпроқ. Бу сайтнинг аудитория билан мулоқот қилишдаги устунлигини кўрсатади.

Нафақат газета материаллари сайтда ўз аксини топмоқда, балки сайтдаги сўровномалар натижалари, таҳлили ҳам газета саҳифаларидан ўрин олиб келмоқда. Ўтган 2012-йил давомида газетанинг интернетдаги сайти www.zarnews.uz да “Мустаҳкам оила” йили моҳиятидан келиб чиқиб оила аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг оиласи, фарзандларига муносабатини таҳлил қилиш имконини бериш мақсадида аҳолининг турли қатламига мўлжалланган сўровномалар уюштирилди. Мисол учун "Фарзанд тарбиясида сизнингча кўпроқ қайси омиллар муҳим?",

саволига иштирокчиларнинг 70 фоизи отанинг қаттиққўллиги деган жавобда тўхталган бўлса, "Оилада миллий қадриятларни шакллантириш, уларни фарзандларга ҳам уқтириш сизнингча, нечоғли аҳамиятли?" саволига сўралганларнинг 53 фоизи фарзандларни тўғри тарбиялашга хизмат қилади жавобини беришган. Ҳар ойда янгиладиган бу каби саволлардан иборат сўровнома натижалари газета саҳифаларида ташлилий материал кўринишида бериб борилди.

Интернет журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап кетганда, унинг ҳажм жиҳатдан кичик шаклли журналистика эканлиги ҳам уқтирилади. Дарҳақиқат, газеталарда чоп этилаётган айрим мақолаларни шундайлигича олиб веб-сайтга жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай мақола ўқувчи диққатини жалб этмайди, сайтга кирувчилар унга эътибор қаратмасдан, бошқа матнга ўтиб кетишининг эҳтимоли катта. Материални тайёрлаш ва уни глобал тармоққа жойлаштиришдан аввал интернет ва газета матнларини ўқиш бир-биридан фарқ қилишини инобатга олиш лозим. Шу сабабли ҳам www.zarnews.uz га газетада чоп этилган катта ҳажмдаги мақолалар жойлаштирилмайди. Хорижда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, махсус тестда қатнашганларнинг фақат 16%и матнни сўзма-сўз ўқишган. Шу сабабли ҳам саҳифада ажратиб кўрсатилган сўз ва иборалар бўлмаса, ундаги матн ўқувчи диққатини жалб эта олмайди. Ўқувчи тезда бошқа саҳифа ёки умуман бошқа сайтга ўтиб кетади.

Одатда хабар ёки мақола ҳақида веб-нашрнинг бош саҳифасида ёки бошқа сайтларда маълумот берилганда уларнинг сарлавҳаси ва бошланиши, дастлабки бир-икки жумласи келтирилади. Агар ундаги маълумотлар ўқувчини ўзига жалб қила олса, у материални ўқийди, акс ҳолда бошқасига ўтиб кетаверади.

“Сарлавҳа – журналистик материалнинг жуда ҳам қисқа инъикоси, унинг юзидир. Сарлавҳалар мазмунига кўра веб-саҳифада қўлланиладиган жанрларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Улар қанчалик қисқа, аниқ,

ёркинроқ бўлса кўпроқ самара беради. Масалан, янгилик ёки хабарларга қўйиладиган сарлавҳалар мақолага тўғри келмаслиги, корреспонденциянинг сарлавҳаси бошқа жанрга мос тушмаслиги мумкин.

Интернет журналистикаси амалиётида нотўғри қўлланилган сарлавҳалар натижасида бирор бор веб-саҳифанинг ўқувчилар аудиторияси кескин камайганлигини қайд этиш мумкин. Сарлавҳанинг асосий вазифаси ўқувчи эътиборини жалб этиш. Ёркин, ўзига хос сарлавҳалар еса материалнинг ўқишлилигини ва ўзига хос муштарийга ташланган қармок вазифасини ҳам ўтайди.³⁹

В.Г.Короленко “Сарлавҳа қайсидир маънода мазмун ҳақида тушунча бермоғи керак” деган еди.⁴⁰

Ўқувчи биринчи эътиборни сураддан кейин сарлавҳага қаратишинидан келиб чиқиб сайтдаги материалга сарлавҳа танлашнинг ҳам ўз талаблари бор. Статистик маълумотларга қараганда, 60-80 % одам мақолани ўқимасдан туриб, мақола ҳақида тасаввурни сарлавҳалар орқали ҳосил қилар экан. Веб-саҳифага жойлаштириладиган материалларга сарлавҳа танлашда газетадагига ўхшаб қисқа ва лўндаликка интилиш ярамайди. Чунки сарлавҳанинг асосий вазифаси ўқувчига мақола ҳақида имкон қадар тўлиқроқ маълумот бериш, уни ўзига жалб этиш ва мақолани ўқишга ундашдан иборат. Шу сабабли баъзи кичик ҳажмдаги хабарга ҳам катта сарлавҳа қўйилиши мумкин. Лекин шунга қарамай сарлавҳадаги сўзлар сонини 8тадан ошириш ярамайди.

Сарлавҳадан кейинги эътибор, албатта, материалнинг кириш қисми, яъни лидга қаратилади. Веб-саҳифаларда сарлавҳа ва лид воқеа ҳақида тўлиқ тасаввур бўлиши учун www сўроқларига жавоб бўла олиши ва тез ўқишга, экрандан ўқишга мўлжалланган бўлиши керак. Ўқувчи материални тўлиқ ўқиш ёки ўқимасликни сарлавҳа ва лидни ўқиб ҳал қилишини инобатга олган ҳолда уни тўнтарилган эҳром усулида ёзиш мақсадга

³⁹ Qosimova N. Internet jurnalistikaning texnologik asoslari. –Т.: 2012. 79-bet.

⁴⁰ Гуревич С.М. Номер газеты.-М.: Прогресс. 2002. С-62.

мувофиқ. Яъни асосийликдан умумийликка борган ҳолда материалнинг асосий мазмунини лидда акс эттириш лозим.

11-расм.

Газета
Zarafshon
Самаркандский Вестник
перейти на русскую версию сайта

22 Июл

Поиск: КИДИРҮВ...

Температура: +31°
Вечером: +32°
Завтра: +32°
подробный прогноз

03.10.2013

Сайт харитаси

Силёсат | Иқтисодиёт | Жамият | Маданият | Таълим | Истеъмолчи | Тарих | Спорт | Танловлар

"Made in Uzbekistan" бренди №90, 27-07-2013, 15:48

Made in Uzbekistan

"Made in Uzbekistan" бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпаймоқда

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан вилоят "Ёшлар маркази"да кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни истеъмолчилар ҳамда аҳолига етказиш, бу маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда сотилишига кўмаклашиш мақсадида амалий анжуман бўлиб ўтди.

Истеъмолчи Батафсил

Сифатли тола – пишиқ ип-калава №88, 23-07-2013, 09:51

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси ўзининг юқори сифати ва пишиқлиги билан дунё бозорида харидоригр бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам жаҳондаги етакчи текстиль компаниялар ва корхоналарда ўзбек пахтасига талаба юқори. Бунини Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси нуфузи ортиб, қатнашчилари сафи кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Лекин айни пайтда давлатимиз пахтани тола сифатида сотиш билан бирга тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ҳолида жаҳон бозорига чиқариш салмоқини йил сайин ошириб бормоқда. Юртимизнинг турли ҳудудларида мавжуд ва янги ташкил этилаётган замонавий тўқимачилик корхоналари бу имкониятни янада кенгайтирмоқда.

Истеъмолчи Батафсил

Валюта курси

Ўзбек сўми

(RUB)	66.74
(EUR)	2923.29
(USD)	2155.5

Долзарб

Давлат бошқарувида фуқароларнинг иштироки

жамоат бирлашмалари оққали таъминланади, бу ҳолат қонун ижодкорлигида қай

Ўзбек-француз тадқиқотчилари ҳамкорлиги

Сарлавҳалардан матн нима ҳақида эканлигини билиб олиш мумкин. Улар аниқ ва тушунарли. Ўқувчини ҳам Ўзига жалб қила олади.

Лидлар ҳам сайтдаги лид талабларига биноан www (нима, қачон, қаерда) сўроқларига жавоб бўла олади. Улардан матн мазмуни ҳақида умумий тушунча олиш мумкин.

2.3 www.zarnews.uz нинг бошқа вилоят газеталари веб-сайтлари билан қиёсий таҳлили


Ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги даврда интернет шу даражада оммалашдики, унга мурожаат қилувчиларнинг сони ҳам, эълон қилинадиган мавзуларнинг кўлами ҳам кундан-кунга кенгаймоқда. Шу билан бирга унга қўйиладиган талаблар ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу борада янги ғоялар ишлаб чиқилмоқда. Интернет сайтлар дизайнида ҳам ўзгаришлар юз берди. Масалан, www.zarnews.uz сайтини оладиган бўлсак. Илгари унинг кўриниши қуйидагича эди:



12-расм. Сайтнинг дастлабки кўриниши.

Ҳозир еса жаҳон андозаларига мос равишта қайтадан ишлаб чиқилиб қуйидаги кўринишга келтирилган. Бунга кўра, асосан, сайт шапкаси, ранглар, менюларнинг жойлашуви ва интерактив имкониятларга ўзгартиришлар киритилган. www.zarnews.uz нинг янги кўринишида

суратларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яна “Самаркандский вестник” газетасининг веб-сайти ҳам www.zarnews.uz таркибига киритилган.



13-расм. Сайтнинг янги кўриниши.

Сайтнинг янги дизайнида фотосуратларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Буни деярли барча материаллар мавзуга оид суратлар билан бериб борилишида кўришимиз мумкин. Сайтга киритилган яна бир янгиликлардан бири шундаки, унда долзарб мавзулар ажратилган ҳолатда ҳам бериб борилади.

2002-йилда миллий “uz” доменидаги сайтлар сони 587 тани ташкил этган бўлса, Ўзбекистон ахборот агентлигидаги маълумотларга кўра, 2013-йил 20-март ҳолатига кўра бугун мамлакаримизда “uz” доменидаги сайтлар сони ўн олти мингдан ортиқни ташкил этмоқда.⁴¹ Бу миллий доменимизнинг

41 Айтмуродов Б. Миллий Интернет танловига марҳамат. <http://www.uza.uz> (ЎЗА Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги). 20.03.2013.

жадал суръатларда оммалашаётганлигини кўрсатади. Шулардан 160 дан ортиғи еса ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилган. Бунда босма нашрларнинг веб-сайтлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Вилоят нашрларининг веб-сайтларини оладиган бўлсак, афсуски, ҳалигача кўпгина вилоят газеталарининг веб-сайтлари мавжуд емас. Қуйидаги вилоят газеталари ўз сайтларига эга:

- “Zarafshon” – www.zarnews.uz
- “Toshkent haqiqati” – www.th.uz
- “Buxoronoma” – www.buxoronoma.uz
- “Andijonnoma” – www.andijonnoma.uz
- “Qashqadaryo” – www.qashqadaryogz.uz
- “Farg`ona haqiqati” – www.fargonahaqiqati.uz

Лекин булардан www.fargonahaqiqati.uz сайти очилмади. Қолган 6 та вилоят газеталарининг еса умуман веб-сайтлари йўқ. Бундан ҳалигача кўпгина оммавий ахборот воситалари ходимлари интернет ва веб-сайтлар имкониятларига етарлича эътибор қаратишмаётганликларини кўришимиз мумкин. Юқоридаги 5 вилоят газеталари веб-сайтлари еса 2007-йилдан буён мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.


www.buxoronoma.uz сайти Бухоро вилоятининг “Бухоронома” газетасига тегишли бўлиб, ҳафтасига икки маротаба янгиланади. Сайт информацион дизайн услубида яратилган. Оқ, ко`к, қора ва сариқ рангларининг градиентларидан фойдаланилган. Газетадаги материалларнинг ўртача 8-10 таси газета сайтига жойлаштирилади.

Сайтга логотип сифатида Бухоронинг тарихий обидаларининг сурати танланган. Сайтнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унда об-ҳаво маълумотлари ҳам мунтазам бериб борилади. Сайтда алоҳида фотогалерея рукни бўлмаса ҳам, лекин баъзи материаллар суратлар билан бериб борилади. Сайт шапкасида қидирув учун ҳам йўлланма берилган,



14-расм. www.buxoronoma.uz сайтининг умумий кўриниши.


Сайтнинг рус ва инглиз тилидаги вариантлари бор. Лекин уларнинг ҳар иккаласига ҳам 1тадан материал жойлаштирилган. У ҳам бўлса 2008-2009-йилда.



15-расм. Сайтнинг рус тилидаги вариантига 2009-йилда биргина хабар киритилган. Шундан сўнг умуман янгиланмаган.



16-расм. Сайтнинг инглиз тилидаги вариантыга 2008-йилда маълумот киритилган ва бошқа янгиланмаган.



17-расм. www.andijonnoma.uz сайтининг умумий кўриниши.

Бу сайтда рус ва инглиз тилидаги вариантлар бўлишига қарамай бирорта ҳам материал киритилмаган. Ундаги сўровномага эътибор қаратадиган бўлсак, у 2012-йилда киритилган бўлиб, 1 йилдан ошган бўлишига қарамай ҳамон янгиланмаган.

2-жадвал.

Сайтларнинг қиёсий таҳлили

	zarnews.uz	th.uz	buxoronoma.uz	andijonnoma.uz
Фото имконияти	+	-	+	-
Видео имконияти	-	-	-	-
Со`ровнома	+	+	-	+
Рукнлар сони	10	9	15	9
Янгиланиш тезлиги	Ҳафтасига 3 маротаба	Ҳафтасига 2 маротаба	Ҳафтасига 2 маротаба	Бир ойда 3-4 марта
Рейтинги	7279770	49793	38437	Рейтинг ко`рсатилмага н

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, zarnews.uz ва buxoronoma.uz сайтларида фото имкониятидан унумли фойдаланилган. th.uz ва andijonnoma.uz сайтларида эса бу имконият қўлланилмаган. Видео имконияти эса ҳеч бир сайтда йўқ. Агар видео имкониятидан ҳам фойдаланилганда, видеоматериаллар ҳам сайтлардан ўрин эгаллаганда уларнинг қамрови ва аудиторияси янада ортган бўларди.

Рукнларга тўхталадиган бўлсак buxoronoma.uz сайтида 15 та, zarnews.uz да 10 та, қолган сайтларда эса 9 тадан руkn бор. www.buxoronoma.uz сайтида руknлар сони кўп бўлса ҳам лекин ўзини оқламайди. Чунки баъзи руknларга умуман маълумот киритилмаган. Масалан, корпоротив менюдаги обуна руkнида атига битта эълон турибди. У ҳам бўлса 2008-йилдаги обуна ҳақида маълумот (18-расм).



18-расм. www.buxoronoma.uz нинг обуна рукни учун ажратилган саҳифасида бундан 6 йил олдинги маълумот турибди.

Шунинг учун ҳам рукнлар сонига эмас сифатига, доимий янгиланиб боришига кўпроқ эътибор қаратиш керак.

Хулоса

Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш тобора давр талабига айланиб бормоқда. Албатта, ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши журналистика соҳасига ҳам ўз таъсирини ўказмай қўймади. Бунинг натижасида on-line журналистика ривожланиб, соҳадаги тезкорлик кундан кунга ортиб бормоқда.

Демак, on-line ёки Интернет-журналистика – Интернет тармоғидаги электрон нашрлардир. Улар босма нашрларнинг электрон нусхаси, соф Интернет нашрлар ёки ўзининг босма кўринишига ҳам эга бўлган Интернет нашрлардир. On-line журналистикани унда нафақат профессионал журналистлар, балки, виртуал мулоқотга эҳтиёж сезадиган барча кишиларнинг фаол иштирок этисши мумкинлиги ажратиб туради. Бундан кўринадики, медианинг бу турида интерактив имкониятлар яққолроқ намоён бўлади. Интернетнинг оммавий коммуникация воситаси сифатидаги ўзига хослигини белгиловчи бир қатор белгилар мавжуд. Жумладан:

- глобаллик;
- марказлаштирилмаганлик;
- оммабоплик;
- фойдаланувчи томонидан назорат қилиниши;
- тезкорлик;
- тежамкорлик.

Юқоридагиларнинг барчаси Интернетда фойдаланувчилар сони ортиб бораётганини белгиловчи омиллар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситаларимиз ўз веб-сайтларини яратишга, ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Уларда анъанавий журналистика ва Интернет биргаликда фаолият юритмоқда.

“Zarafshon” gazetasi ҳам ривожланиш жиҳатидан анча юқори поғоналарга эришмоқда. Чунки газетанинг веб-сайти ҳам самарали фаолият юритмоқда ва on-line журналистикага яққол мисол бўла олади:

- аудитория учун бачха қулайликлар яратилган;
- тезкорлик ва аниқлик мавжуд;
- фото имкониятидан унумли фойдаланилган;
- сўровномалар доимий яниланиб борилади ва натижалари газетадаги материалларда ўз аксини топади;
- интерактив имкониятлар яхши йўлга қўйилган.

Газетанинг ҳам афзалликлари жуда кўп:

- маълумотлар доираси кенглиги;
- жанрлар хилма-хиллиги;
- таҳлилий материаллар кўплиги;
- газетанинг ўзига хос дизайни мавжуд ва бошқалар.

Хуллас, газета ва веб-сайт ўзаро бир-бирини тўлдирган ҳолда фаолият юритмоқда. Вилоят газеталари веб-сайтлари рейтингига эътибор қаратадиган бўлсак, www.zarnews.uz нинг рейтинги бошқа вилоят газеталариникига қараганда анча юқори:

Zarnews.uz - 7279770

Th.uz - 49793

Buxoronoma.uz - 38437

Qashqadaryo.uz - 736320




Diagramma 3

Эътиборингизни маҳаллий ОАВларимизга қаратмоқсҳиман, агар мониторинг қиладиган бўлсангиз, Ўзбекистондаги аксарият газета ва журналлар аллақачон ўзларининг Интернет тармоғидаги нусхаларига эга. Яқиндан танисшиб чиқилганда Ўзбекистондаги аксарият газета ва журналларнинг тармоқдаги нусхалари учун бир хил камчиликлар хос эканлигини сезиш қийин эмас. Одатда Интернет-нусхалар фақатгина нашрнинг босма нусхаси чоп этилгандан кейингина янгиланади ёки бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳатто, бош саҳифасидан ярим йил олдинги янгиликлар ҳали ҳам жой олиб турган Интернет нашрларни кўришимиз мумкин. Баъзан еса сайтнинг бош саҳифасида кўплаб рукнлар (“Иқтисодиёт”, “Сиёсат”, “Таълим” ва бошқалар) мавжуд бўлса-да, амалда уларнинг бир-иккитасигина мақолалар билан тўлдирилган, холос. “Клон”(газетанинг кундалик нусхаси олиниб, веб-сайтга жойласштирилиши)ларнинг яна бир муаммоси материалларнинг Интернет аудиториясига мослаштирилмасдан жойлаштирилишидадир. Аксарият босма нашрларимизда айнан шу ҳолат кузатилади.

Ҳозирда аксарият босма нашрларнинг электрон нусхаси мавжуд. Аммо уларнинг кўпчилигида Интернет нусха раҳбарият томонидан етакчи деб қаралмаслиги ҳолати кузатилди. Бу нарса газетанинг босма нусхасидаги барча материалларнинг ҳам веб-сайтга жойлаштирилмаслигида, веб-саҳифа мунтазам янгиланиб борилмаслигида кўринади. Хуллас, муаммо қидираман деса, муаммо кўп, яхсҳиси уни ҳал қилиш йўллари излаш

керак. “Зарафшон” газетаси ва унинг веб-сайти – www.zarnews.uz бўйича қилган тадқиқот ишимдан келиб чиқиб, маҳаллий ОАВмиз учун қуйидаги таклифлар берилади:

- жанрлар хилма-хиллигини таъминласш;
- маълумотлар доирасини кенгайтириш;
- нашрнинг ижтимоий тармоқларда ҳам ўз саҳифаларини яратиш;
- сайтда ҳам реклама имкониятини йўлга қўйиш;
- сайтга газета ходимлари ҳақида маълумот жойлаштириш;
- муаллифларнинг 3x4 расмлари бериса (бу нарса ўқувчига муаллифни тўлақонли тасаввур қилиш учун ёрдам беради);
- муаллифлар билан қулай алоқани йўлга қўйиш учун электрон почта манзилларини бериш;
- муҳим хабарларни газета чиққунига қадар ҳам сайтга жойлаштириш;
- ҳажм жиҳатидан ортиқча катта материаллар бермаслик;
- аудитория эътиборини тортадиган сарлавҳалардан фойдаланиш;
- йўл қўйилган имловий, услубий хатоларни газетанинг кейинги сонида эълон қилиш ва босма нашрда йўл қўйилган хатолар бўйича ўқувчининг мурожаат қилиш имкониятини яратиш;
- тагсарлавҳадан унумли фойдаланиш, уни ўқиганда газетхон материал ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши керак;

- газета ва веб-сайтнинг дизайнини мукаммаллаштириш (айниқса, бош саҳифани);
- мультимедиа имкониятларини кенгайтириш: видео, аудио, инфографика имкониятларидан фойдаланиш;
- блог журналистикасини ривожлантириш;
- имкон қадар ҳар бир материалга сурат қўйиш (кичкина хабарлар бундан мустасно);
- босма нашрнинг ПДФ вариантини ҳам веб-сайтга жойлаштириш;
- босма нашрда чиққан материалларни веб-сайтга электрон насрда мосланган ҳолатда жойласштириш;
- турли хил блогларда эълон қилинган муҳим материалларни ва улар бўйича қилинган баҳсларни босма нашрда чоп этиш;
- нашр аудиториясини кенгайтириш учун кейинги сондаги материаллар ҳақида анонслар бериб бориш;
- сайтнинг чет тилларидаги вариантларига эътибор қаратиш: инглиз тилидаги вариантни яратиш ва доимий янгилаб бориш.

Адабиётлар рўйхати

Ҳуқуқий-меъёрий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2010
2. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни. Янги таҳрирда. 2007-йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ОАВларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимсҳалар киритиш тўғрисида”ги қарори. 2007.

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. // Халқ сўзи, 28.06.2008.
3. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Халқ сўзи, 27.06.2009.
4. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. 27.06.2010. – [http: //www.пресс-сервисе.уз](http://www.пресс-сервисе.уз)
5. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада сҳуқурласҳтирисҳ ва фуқаролик жамиятини ривожлантирисҳ концепсияси. //Халқ сўзи. 13.11.2010.

Асосий адабиётлар:

1. Рашидова Д. Интернет как источник журналисткой информации. Т.: ТашГУ, 1999.
2. Гуревич С.М. Номер газеты.-М.: Прогресс. 2002.

3. Ф.Нестеренко ва муаллифлар жамоаси. Луғат-маълумотнома: Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз. Т.: Зарқалам, 2003.
4. Калмыков А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. Учебное пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
5. Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т., 2007.
6. Мўминов Ф., Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. -Т.: Фан ва технология, 2008.
7. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет. 2008.
8. Фролова Т.И. Человек и его мир в информационной повестке дня. Гуманитарные технологии в журналистике. - М., 2009.
9. Интернет – СМИ. Теория и практика. Под редакцией М.М. Лукиной. – М.: АСПЕКТ-ПРЕСС. 2010.
10. Ахборот-коммуникатсион технологиялари. Изоҳли луғат.- Т., 2010.
11. Қудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон. 2011.
12. Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. - Т., 2012
13. Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари (Ўқув қўлланма). –Т.: Истиқлол, 2013.
14. Биз “Зарафшон”данмиз. Публицистика.-Т.: Тафаккур, 2013.
15. “Зарафсхон” 100.(Зарварақ). –Т.: Тафаккур бўстони. 2013.
16. Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари (республика II илмий-амалий конференция материаллари). – Т., 2014.

17. “Зарафшон газетаси”(2012-2013-2014-йиллар).

Илмий мақолалар:

1. Садриддин Айний. Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратлари ким эди? // Меҳнаткашлар товуши газетаси, 1920-йил, 8-апрел.
2. Муратова Н. ОАВ ва Интернет. Конвергенция ва замонавий журналистиканинг янги кўринишлари.// Ўзбекистон матбуоти. 2005. №4. 41-бет
3. История организации и принципы функционирования глобальной компьютерной сети Интернет. Роль и значение современных информационных технологий в государственном управлении. УЗИНФОСОМ. Т., 2008. С. 14.
4. Кудратходжаев Ш. Индия – страна высоких технологий. // Новости Узбекистана, 23.01.2009, №3.
5. Кудратходжаев Ш. Индия – страна большего сердца. // БВВ, 27.01.2009. №5.
6. Кудратхужаев Ш. Интернет: Благо или зло? Предпосылки создания, история и тенденции развития, схожесть оценок, инструмент в чьих руках. //ЎзМУ хабарлари, 2010.
7. Айтмуродов Б. Миллий Интернет танловига марҳамат.
<http://www.uza.uz> (ЎзА Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги).
20.03.2013.
8. Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари (республика II илмий-амалий конференция материаллари). Муратова Н., Камолова Х. Ўзбекистонда вилоят матбуот нашрлари веб-саҳифаларининг хусусиятлари. – Т., 2014.
9. Ўзбекистонда Интернет нархлари 15-80 фоизга арзонлашди.
<http://www.uzfiles.uz>.

Интернет манбалар:

1. <http://www.wikipedia.org>
2. <http://www.uzap.gov.uz>
3. <http://www.uz>. Миллий қидирув тизими.
4. <http://www.press-servise.uz>
5. УзИнфоком Маркази сайти. <http://www.infocom.uz>
6. “Zarafshon” газетаси веб-сайти – www.zarnews.uz
7. “Qashqadaryo” газетаси веб-сайти – www.qashqadaryogz.uz
8. “Andijonnoma” газетаси веб-сайти – www.andijonnoma.uz
9. “Buxoronoma” газетаси веб-сайти – www.buxoronoma.uz
10. “Toshkent haqiqati” газетаси веб-сайти – www.th.uz
11. ЎзА Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. <http://www.uza.uz>
12. <http://www.spark.interfax.ru/Front/About.aspz>.
13. <http://www.un.org/ru/>





❖ [Сийёсат](#) | [Иқтисодиёт](#) | [Жамият](#) | [Маданият](#) | [Таълим](#) | [Истеъмолчи](#) | [Тарих](#) | [Спорт](#) | [Адабиёт](#) | [Танловлар](#)

Янгиликлар



Алломалар юрти бу

«Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросининг ҳозирги замон цивилизациясидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференцияда иштирок этиш учун элликка яқин давлатдан олимлар ва зиёлилар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.



Валюта курси

Ўзбек сўми		
	(RUB)	65.76
	(EUR)	3128.16
	(USD)	2282

Долзарб



Буюк аждодларимиз мероси –

Буюк аждодларимиз мероси – бутун инсониятнинг маънавий бойлиги. Самарқанд

Баҳор овозлари

№60, Сегодня, 13:18

Самарқанд санъат коллежи концерт залида Ўзбекистон давлат консерваторияси ўстоз-талабалари иштирокида шу номдаги концерт дастури намойиш этилди.

Жамият

Батафсил

Регистонда янги кўргазма

№60, Сегодня, 13:17



Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек надрасида «Мирзо Улуғбек Ўрта асрлардаги Шарқнинг буюк астрономи» мавзусида кўргазма очилди.

Жамият

Батафсил

Тошга муҳрланган буюклар сиймоси

№60, Сегодня, 13:16



18 май – Халқаро музей кuni

Сиз буюк мутафаккур бобокалонимиз Беруний сиймосини кўз олдингизга келтира olasizmi? Аҳмад ал Фарғоний, Ибн Сино, Махмуд Қошғарийни-чи? Тан олайлик, кўпчилигимиз алломаларимиз сиймосини танимаймиз, тасаввур ҳам қила олмаймиз. Негаки, мустақилликкача уларнинг сиймолари акс этган манбалар жуда кам, борларини ҳам тарғиб қилиш кўнгилдагидек эмас эди.

Жамият

Батафсил

«Оҳанглар сеҳри» ёш иқтидорларни саралади

№60, Сегодня, 13:15

Самарқанд шаҳридаги Асрор Жўраев номи вилоят болалар кўйичок театрида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган «Истиқлол ғўнчалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Маданият, Жамият

Батафсил

Халқимизга тинчлик ва омонлик керак

№60, Сегодня, 13:14

Инсон хотираси муқаддас, кадр-қиммати азиз ва мўътабардир. Хотира ва кадрлаш кuni мазмун-ноҳиятида ана шундай инсонпарвар танойиллар ўз ифодасини топган. Айтиш мумкинки, бу санада миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қилинаётганидан бугун сафларимизда юрган ва мана шундай фарахбахш кунларимиз учун хизмат қилган нурунийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганидан қалбим қувонгча тўлди.

Жамият

Батафсил

Замон билан ҳамнафас

№60, Сегодня, 13:13

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мухаммад Али уюшма аъзолари, вилоятимизда ижод қилаётган шoir-ёзувчилар ва ёш ижодкорлар билан учрашди.

Батафсил



Алломалар юрти бу

Кеча «Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросининг ҳозирги



Тест синовларидаги янгиликлар

Илм-фан юксак тараққиётга эришиб, ахборот, компьютер технологиялари жадал



Эзгу кадрлар ифодаси

Самарқанд вилоятида Хотира ва кадрлаш кuni арафасида Иккинчи жаҳон уруши

хабарлар оланига

Сўровнома

Фарзандингизнинг тўғараклар, спорт секцияларига қатнашини қўллаб-қувватлайсизми?

- ☉ Ҳа, албатта, улар спорт билан мунтазам шугулланади;
- ☉ Йўқ, ундан кўра китоб ўқигани мақулоқ.

www.zarnews.uz нинг рус тилидаги варианты – “Самаркандский вестник”нинг умумий кўриниши.

Газета

Самаркандский Вестник

Zarafshon
сайтнинг ўзбекча вариантыга ўтиш

Поиск по сайту...

+24° Вечером: +32
Завтра: +32
подробный прогноз

Контакты
Карта сайта

Политика | Экономика | Общество | Наука | Культура | Образование | Медицина | Потребитель | Экология | История | Традиции | Спорт | Творчество

Новости



Щедрость самаркандской земли

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 11 января 2006 года "Об организационных мерах по реформированию садоводческой, овощеводческой и виноградарской отраслей" фермерским хозяйствам были предоставлены широкие льготы и преференции.

Щедрость самаркандской земли

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 11 января 2006 года "Об организационных мерах по реформированию садоводческой, овощеводческой и виноградарской отраслей" фермерским хозяйствам были предоставлены широкие льготы и преференции.

Курсы валют

Узбекский сум		
(RUB)	65.76	
(EUR)	3128.16	
(USD)	2282	

Публикации



Молодежи есть чему учиться у ветеранов

В преддверии 9 мая - Дня памяти и почестей на мемориале Скорбящая мать всегда



Самарканд готовится к форуму

15-16 мая в Самарканде состоится конференция Историческое

Новшества в тестовых испытаниях

Номер газеты: №38, 14-05-2014, 15:52



В век знаний, информации, стремительного развития компьютерных технологий, особенно востребованным стало наличие у человека профессионального образования. Поэтому обеспечить профессией ребенка – для каждой семьи важный вклад в устройство его дальнейшей жизни, а для государства – одно из приоритетных направлений социально-экономического развития.

Сегодня это актуально

Номер газеты: №38, 14-05-2014, 15:51

В Молодёжном центре по инициативе СамГПИЯ состоялось мероприятие по вопросам противодействия торговле людьми, негативных последствий религиозного экстремизма и терроризма, а также пагубных последствий наркомании.

Главное, не потерять себя!

Номер газеты: №38, 14-05-2014, 15:50

В махаллинском сходе граждан Чордара Самаркандского района состоялась беседа, направленная на усиление борьбы против миссионерства и прозелитизма.

Растут юные таланты

Номер газеты: №38, 14-05-2014, 15:42

В областном кукольном театре имени А. Джурраева прошёл областной этап конкурса "Истиклол гунчалари".

В свете Закона об открытости

Номер газеты: №38, 14-05-2014, 15:40

Какова роль пресс-центров организаций и предприятий в повышении содержательности освещаемых материалов и результативности их совместной работы со средствами массовой информации? Как вести работу веб-сайтов, электронной почты организаций? Эти и другие вопросы были обсуждены на прошедшем в Самарканде учебном семинаре.

В обстановке мира и спокойствия

Номер газеты: №38, 14-05-2014, 15:30



Завтра в Самарканде открывается международная конференция "Историческое наследие учёных и мыслителей средневекового Востока, его роль и значение для современной цивилизации". Добро пожаловать в наш город, дорогие участники конференции! Великий культурный подъём в Центральной Азии, начавшийся ещё в IX веке, был обусловлен прогрессом экономики, земледелия с искусственным орошением, бурным развитием торговли и строительства. С этим связан и выход учёных средневекового Востока на мировую арену.

Голосование

Оцените работу движка

- ☒ Лучший из новостных
- ☐ Неплохой движок
- ☐ Устраивает ... но ...
- ☐ Встречал и получше
- ☐ Совсем не понравился

Голосовать Результаты

Все опросы

Газета

Zarafshon

Самаркандский Вестник

перейти на русскую версию сайта

Кидирув ...

+13° Вечером +
Завтра: +10

Азиза учун

Сайт харитаси

Сийёсат | Иқтисодиёт | Жамият | Маданият | Таълим | Истеъмолчи | Тарих | Спорт | Адабиёт | Танловлар

“Янги авлод” гунчалари кашф этилди

№129, 26-10-2013, 15:04

Самарқанд шаҳридаги Концерт залида анъанавий “Янги Авлод” болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Келажак овози” ЕТМ, “Камолот” ЕИҲ вилоят кенгаши ҳамда халқ таълими бошқармаси кўмағида ўтказилган фестиваль байрамона ташкил этилди.

Унда мазкур танловнинг шахар, туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Фестивалнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган 156 нафар болаларлар мусика, рақс, тасвирий санъат, шеърят, адабиёт каби олти йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар бугун намуналикимизда болаларнинг истеъодини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш юзасидан олиб борилаётган танловлар, чора-тадбирларнинг аҳамияти юзасидан фикрларини билдирдилар.

- Жорий йилда ушбу фестиваль ўнинчи марта ўтказилиши билан аҳамиятлидир, - дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Успенский номидаги республика ихтисослашган мусика академик лицейи директори Дилдора Жамолова. - Биринчи бор ўтказилганда мазкур танловда 300 нафар истеъодли бола қатнашган бўлса, ўтган йили фестивалда 30 мингдан зиёд ёш истеъод соҳиблари иштирок этди. Бугунги кунда фестиваль соҳибдорларнинг турли соҳаларда муваффақиятларга эришадиганини кузатиш мумкин. Ёшонарлиси, мазкур фестиваль мамлакатимиз истеъодли болаларини кашф этиш ва уларнинг ўзини намойиш этиш, эл таъинган санъаткорлар билан бир сахнада чиқишлар қилиб, жаноатчилик назарига тушиб имкониятидир.

- Ушбу фестивалда биринчи бор иштирок этишим, - дейди Самарқанд шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби ўқувчиси Парвина Шокирова. - Расм чизмига жуда қизиққанам, бу бўйича ўстозларимдан кўп нарсани ўргандим. Бугун танловда кўпроқ натормортларим билан иштирок этдим, тенгдошларимнинг ижодий ишларини кузатдим ва улардан кўп нарсани ўргандим.

Тадбирнинг тантали ёпилиш маросимида катта концерт дастури намойиш этилиб, унда самарқандлик ва пойтахтлик санъаткорларнинг куй-қўшиқлари кечага завқ улашди. Шу дақиқаларда мазкур фестивалнинг соҳибдорлари эълон қилинди.

Ҳилола КАМОЛОВА.

Категория: Жамият

0 4

Вернуться

Похожие записи:

- Кўшиқларда Ватан мадҳи
- Ўз овозига эга ёшлар
- Турли ёшдаги, турли касбдаги аёлларни бирлаштирган Фестиваль
- «Шарқ тароналари – 2013» Фестиваль таралди кизгин

Уважаемый посетитель, Вы зашли на сайт как незарегистрированный пользователь. Мы рекомендуем Вам [зарегистрироваться](#) либо [войти](#) на сайт под своим именем.

хабарлар олинган

Валюта курси

Ўзбек сўми		
	(RUB)	68.6
	(EUR)	3002
	(USD)	2173

Долзарб

[Шифокорларга туҳфа](#)

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган тадбирда мамлакатимиз соқлиқни сақлаш

[ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА](#)

Азиз дўстлар!

[Осойишталик посбонлари](#)

Жорий йилнинг 28 июль куни Самарқанд шаҳар 3-сон ички ишлар бўлимига талончилик

[Чирой очаётган кўхна шаҳар](#)

Кеча Самарқанд шаҳри куни муносиб нишонланди

Фойдали сайтлар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати
- Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳуқуқини портал
- Ўзбекистон Миллий Аxbорот агентлиги

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

Самарқанд Вилоят Ҳокимлиги

Эълонлар

Самарқанд вилоят «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти реклама ва эълонлар бўлими сизга кенг турдаги реклама хизматларини таъдим этади.

Жўмладан,

- реклама ва эълонларингизни «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталарида ўзбек ва рус тилларида, рангдан ёки оддий (қора-оқ рангли) саҳифаларда чоп этади;
- қўтловлар, табрикномаларни;
- ишбилармон ва тадбиркорлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларни ва ушбу сайтда реклама қилади.
- Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8366) 233-58-16, 233-53-85, e-mail: zarafshon@inbox.uz

яна эълонлар

Бизнинг фотосуратлар

яна фотосуратлар

Архивимиздан

- Октябрь 2013 (57)
- Сентябрь 2013 (70)
- Август 2013 (71)
- Июль 2013 (95)
- Июнь 2013 (69)
- Май 2013 (54)


Показать / скрыть весь архив

Газета хақида | Фикрингиз | Сайт харитаси

Муассислар: Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги
Таҳририят манзили: 140100, Самарқанд шаҳри, У. Турсунов кўчаси, 80-уй.
Телефон: (8366) 235-64-76, 233-73-62, факс: 233-58-16

5-илова.

www.zarnews.uz нинг адабиёт саҳифаси.



www.zarnews.uz нинг адабиёт саҳифасидаги китоблар рукни.



Ифтихоримсан, Ватан!

18-10-2013, 17:58



Ифтихоримсан, Ватан!

Китоблар

Батафсил

Ўқутини савоман саодати

18-10-2013, 16:15



Самарқанд баёзи 2

Китоблар

Батафсил

Зарафшон мавжлари

18-10-2013, 15:05



Зарафшон мавжлари

Китоблар

Батафсил

Ўқутини савоман саодати

18-10-2013, 13:03



Самарқанд баёзи

Китоблар

Батафсил